O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
Majburiy bepul nusxa



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 19-noyabr • № 47 (4082)

**Бобур АЛИМОВ,** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

## ЯНГИ, ЯНАДА БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ПАЛЛАСИ

***Ҳадемай она Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги йирик сана — мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини бошлаб берадиган 2011 йилга қадам қўямиз. Мард ва олижаноб халқимиз ана шу буюк айёмга катта орзу-умидлар, улуғ мақсад ва ниятлар, ўз кучи, ўз келажагига қатъий ишонч билан, юксак ютуқ ва марралар билан бормоқда. Истиқлолимизнинг ўтган ўн тўққиз йилига назар ташлар эканмиз, тарих учун қисқа, лекин асрларга татигулик бу даврда рўй берган оламшумул ўзгаришлардан қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлади. Айниқса, юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида оқилона ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, энг муҳими, одамларимизнинг онги ва тафаккуридаги туб янгиланишлар барчамизни хурсанд қилади.***

***Маълумки, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийдан бошлаб, озодлик куйчиси Чўлпонга қадар — адабиётимизнинг барча йирик намояндалари ўз ижоди орқали халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётга эришиш йўлидаги орзу-умидлари, интилиш ва ҳаракатларини куйлаб ўтган. Ҳеч шубҳасиз, айнан ана шундай қараш ва ёндашув бугунги кунда ҳам ёзувчи-шоирларимиз фаолиятининг марказида турадиган асосий ва бош мавзу-масаладир. Шунинг учун ҳам улар Президентимиз Ислом Каримов томонидан ана шу буюк мақсад йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлиб келишмоқда.***

**Муносабат**

Юртбошимизнинг бугунги ва эртанги ҳаётимиз, келгуси тараққиётимизга дахлдор ҳар бир чиқиши, нутқ ва маърузаси адибларимиз учун жамиятимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини чуқур англаб, янги-янги ҳаётий мавзу-материаллар берадиган ноёб манба, илҳом ва ижод манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу маънода Президентимизнинг куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги кенг кўламли дастурий маърузасида халқимиз, жамиятимиз олдида турган стратегик мақсад ва вазифалар, келгуси тараққиётимизнинг устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур асослаб берилгани доимо эл-юртнинг ташвиши ва келажагини ўйлаб ижод қилиш мақсади билан ёниб яшашга ҳаракат қиладиган ёзувчи-шоирларимиз учун ҳам ҳеч муболағасиз ҳақиқий дастуриламалдир.

Бу маърузанинг ҳар бир бўлимини синчиклаб ўқир эканмиз, бугун юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишдек не-не улуғ ижодкор зиёлиларимиз учун армон бўлиб қолган том маънодаги буюк бир ишда иштирок этиш, шундай ўзгаришларни амалга ошираётган фидойи халқ меҳнатини куйлаш, унинг бадиий образини яратиш нақадар улкан бахт, айни пайтда тенгсиз масъулият эканини юрак-юракдан ҳис этамиз.

Шубҳасиз, яратувчилик ишлари марказида Истиқлол туфайли миллий ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаган, ўз мустақил фикри ва янгича дунёқарашга эга эркин ва озод инсон шахси турибди. Маърузада барча ютуқларимиз сабабчиси бўлган, янгича тафаккур ва дунёқарашга эга меҳнаткаш ва бунёдкор халқимизнинг ана шундай яратувчилик фаолиятига ғоят аниқ таъриф берилган: "...Бугунги кунга келиб биз ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришдик, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Бунинг тасдиғини мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас.

Давоми иккинчи саҳифада



РАНГЛАР ҚЎШИҒИ

О.Қозоқовнинг «Безанаётган маҳбуба» асари.

5

*18 ноябр — Ўзбекистон Республикаси байроғи қабул қилинган кун*

## ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ



Шеърий лаҳза

**Кечди бу заминдан Мангубердилар,**
**Кубролар, Темурлар — шавкатли, шоён.**
**Бир байроқ остида бирлашди эл-юрт,**
**Бир байроқ остида яшнади замон.**

**Истиқлолдан кейин аждодлар туғин**
**Янгиладик, не тонг, эрк бўлди қалов.**

**Балқди тантанавор бошимиз узра**
**Халқимиз тимсоли — миллий бир ялов.**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг**
**Пештоқларида у ҳилпирар масрур.**
**Юксалтирар марду майдонларимиз**
**Дунёвий баҳсларда музаффар, мағрур.**

**Осмон унда мовий ҳамда мусаффо —**
**Тонг ҳамда қуёшга кўз тутган бедор.**
**Мустақил диёрда илгариламоқ**
**Буюк келажакка мустаҳкам пойдор.**

**Белгилар, чизиқлар, ранглар... ҳар бири**
**Улуғ маъноларга ишора бешак.**
**Уларни англамоқ ва севмоқ учун**
**Инсон ўзлигини билмоғи керак!**

Шукур ҚУРБОН

## Адабиёт масаласи маънавият масаласидир

### Ёш ижодкорларнинг республика анжумани олдидан

Маънавият барча даврларда жамият тараққиёти, ёш авлод тарбиясида энг долзарб масала бўлиб келган. Ҳозирги шиддаткор замонда, азалий қадриятларга, миллий анъаналарга ташқаридан салбий таъсирлар кучайган бир шароитда бу масаланинг аҳамияти янада ошди. Маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган бадиий адабиётга эътиборнинг кучайганини миллий адабиётимиз истиқболига, ижодкорларнинг ижтимоий бурчига талаб ҳар қачонгидан кўра ортганини шу билан изоҳлаш мумкин.

Юртбошимиз ўзининг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" номли рисоласида таъкидлаганидек, "Халқимиз адабиётни муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди".

Дарҳақиқат, халқимизнинг орзу-умидларини, юксак мақсадларини, эзгу қадриятларини ўзининг энг яхши намуналарида ҳаққоний акс эттирган ўзбек адабиёти, унинг пешқадам намояндалари бугунги кунда ҳам жамиятимиз тараққиётига, замондошларимиз маънавий дунёсининг бойишига бекиёс ҳисса қўшиб келаётир.

Бу борада ёш ижодкор авлоднинг саъй-ҳаракатлари ҳам эътиборга молик. Адабиёт майдонига ғайрат ва шижоат билан кириб келаётган бу иқтидор эгалари илк қадамлариданоқ ўзлари учун яратилган шарт-шароитларга, имконият ва ғамхўрликларга гувоҳ бўлмоқдалар. Ёш ижодкорлар ўртасида ўтказилаётган танловлар, уларнинг энг истеъдоди вакиллари юксак даражадаги мукофотлар билан тақдирланаётгани, ижодий анжуманлар, семинарлар изчил ўтказиб келинаётгани истеъдодли ёшлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Юртбошимиз ёш ижодкорлар билан ишлаш масаласига алоҳида тўхталиб: "Авваламбор, устоз адибларни, Ёзувчилар уюшмасининг тажрибали ва нуфузли аъзоларини ёшлар билан ишлашдек муҳим жараёнга кенг жалб қилишимиз даркор", деб ёзади. Дарҳақиқат, устоз ёзувчи, шоирларимизнинг бой ижодий тажрибалари ёшлар учун ўзига хос маҳорат мактаби саналади. Аслида Шарқда азалдан "Устоз — шогирд" анъанаси барқарор бўлиб келган, устоз кўрган шогирдга эътибор, ишонч ҳамиша юқори бўлган. Бугун ижод бўсағасида турган, илк шеърлари, ҳикоялари, таржималари, адабий мақолалари билан назарга туша бошлаган ёш қаламкашлар бадиият сирларини устозлар кўмагида қанчалик пишиқ-пухта эгалласалар, бу сабоқлар уларнинг келгусида фаолиятларида етакчи омил бўлиши шубҳасиз. Келгуси ҳафтада "Дўрмон" ижод уйида иш бошлайдиган Республика ёш ижодкорлари семинаридан кутилаётган асосий мақсад ҳам шу.

Таҳририятимиз ушбу семинар олдидан бир гуруҳ атоқли адиб ва олимларимиз ҳамда иқтидорли ёш қаламкашларга сўз бериб, уларнинг муштарийлар билан ўзига хос учрашувини уюштиришни маъқул топди. Мазкур саҳифамиздан ўрин олган устозларнинг дил сўзлари ва ёшларнинг ижодий машқлари Дўрмон боғида бўлиб ўтадиган ёшлар ижодий анжуманининг дебочаси, дейиш мумкин.

4



САҲНАДА

## "ТАҚДИР СИНОВЛАРИ"

Ўзбек Миллий академик драма театрининг ижодий жамоаси ёзувчи Қўчқор Норқобилнинг "Тақдир синовлари" драмасини саҳнага қўйди. Бу муаллифнинг илк драматик асари бўлиб, уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Маҳмудова саҳналаштирди. Саҳна безакларини рассом Бобониёз Қурбонов, либосларни Севара Зуннунова тайёрлаган.

Асарда тасвирланган воқеалар ривожида ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаги маънавий таназзул манзаралари, истиқлол шарофати билан рўшноликка чиққан олис тоғ қишлоғи одамлари тақдири, уларнинг сурату сийратлари намоён бўла боради.

Спектаклдаги ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Саидкомил Умаров, Рихси Иброҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Рустам Каримов, Сайёра Юнусова, Маҳмуд Исмоилов, актёрлар Толиб Мўминов, Асад Набиев, Шодия Тўхтаева ва бошқа санъаткорлар ижро этмоқда.

**Суратда: спектаклдан саҳна.**

## БИЛДИРИШ

**Шу йил 26 ноябр куни соат 11.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан адиб хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказилади.**

**Барча қизиққанлар таклиф этилади.**

*Ёзувчилар уюшмаси.*

## ОБУНА — 2011

*Азиз газетхон!*

**Севимли газетангиз —«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2011 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.**

6

**Нашр кўрсаткичимиз —222.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ • ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ. • тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz ; e-mail: oao@post.uz

# ЯНГИ, ЯНАДА БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ПАЛЛАСИ

Бошланиши биринчи саҳифада

Юртдошларимизнинг, бутун жамиятимизнинг ҳаётидаги ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар, ўз моҳият эътиборига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминлаётган ҳал қилувчи кучга айланмоқда".

Бундай ўзгариш ва янгиланишлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси теварагида бирлашган адибларимиз учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётгани табиий, албатта. Зеро, "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида ижодкор аҳлининг халқимиз қалбини, унинг олий мақсадлари, бугунги ҳаёти, тақдири ва келажагини яқиндан биладиган инсонлар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири беқиёс экани таъкидлангани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг "Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, эркин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар деб биламан", деган сўзларини таъкидлар эканмиз, жамият тараққиёти, унинг маънавий ривожи учун, энг аввало, адибларимиз нечоғли масъул эканини такрорлаб ўтмоқни истар эдик. Негаки, сўз ва ижод эркинлиги ўзида Ватан, жамият ва инсон манфаатларини мужассам этган тақдирда таъсирчан ва амалий кучга эга бўлади.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан адабиётга, адабиёт аҳлига берилаётган юксак эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрликни биз бугун ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз. Президентимизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарори бунинг ёрқин далилидир. Мазкур қарор қабул қилингандан кейин ўтган қисқа муддатда уюшманинг "Дўрмон" ижод уйи, поликлиникаси, вилоят бўлимлари ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, қисқа фурсатда биргина "Дўрмон" ижод уйи асосий биносини қайта қуриш ва тўлиқ таъмирлаш, ошхона, мебел ва истиқомат буюмлари билан таъминлаш, боғ ҳудудини ободонлаштириш, Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасини тўлиқ таъмирдан чиқариш, энг замонавий тиббий асбоблар ва ускуналар билан жиҳозлаш учун қарийб 2,5 миллиард маблағ сарфланди. Уюшма вилоят бўлимлари, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида ҳам худди шундай ишлар давом эттирилмоқда. Барча ташкилий тадбирлар, шунингдек баракали ижод учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ишлари тўхтагани йўқ. Буларнинг барчаси "Ижод" жамоат фонди Васийлик кенгашида доимий равишда муҳокама этиб борилмоқда.

Қарорда алоҳида тилга олинган, истеъдодли ёш ижодкорларнинг илк китобларини давлат ҳисобидан чоп эттириш, бу китобларнинг республика мактаб, коллежлари, ўқув юртларига тарқатилишини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди.

Ёзувчилар уюшмаси томонидан давлатимиз мустақиллиги байрами арафасида адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлодга мансуб олтмишга яқин ижодкорга, вафот этган ижодкорларнинг оила аъзоларига 12 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмасига кўра жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан танишиб қайтган шоир ва ёзувчиларимизнинг "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газеталарида чоп этилган бадиий-публицистик мақолалари "Буюк келажак манзаралари" номида китоб ҳолида нашр этилди.

Бундан ташқари, Ёзувчилар уюшмаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда республика ҳудудидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотлар ва муассасалар, мактаблар, коллежлар, олий ўқув юртлари ва маҳаллаларда таниқли шоир ва ёзувчилар ҳамда санъаткорлар иштирокида юзга яқин ижодий учрашувлар, назм ва наво кечалари ўтказилди. Бундай юзма-юз учрашувлар ҳам адибларимиз учун бугунги замон кишисининг ички дунёси, ўй-кечинмалари, орзу-интилишлари билан яқиндан танишиш имконини бермоқда. Шунга аминмизки, адибларимиз одамлар орасида бўлиб ўз кўзлари билан кўрган ва қаламга олган воқеа ва ҳодисалар, ўз навбатида, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини очиб берувчи бадиий асарлар учун хамиртуруш вазифасини ўтайди.

Уюшмамиз қошидаги бадиий кенгашлар, вилоят бўлимлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш борасида ҳам бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бадиий кенгашлар фаолиятини янада жонлантириш, янги асарлар муҳокамасида талабчанликни кучайтириш, бадиий саёз асарларнинг китоб ҳолида нашр этилиш ҳолларига барҳам бериш, адабий нашрларнинг мамлакат ижтимоий-маънавий ҳаётидаги мақомини юксалтириш, шунингдек, ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга таржимаси ва тарғиботи борасидаги ишларни жадаллаштиришимиз лозим.

Шу мақсадларни назарда тутиб, уюшма қошидаги назм, наср, бадиий-публицистика, драматургия ва кинодраматургия, болалар адабиёти, бадиий тар-

## Муносабат

жима кенгашлари таркиби қайта кўриб чиқилди. Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида тақризчилар ва кенгаш аъзоларини "Ижод" жамоат фонди орқали моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳаётимиз ҳар кун ўзгаришда, воқеа ва янгиликлар, давр ва замон суръати қалам аҳлидан замон билан ҳамқадам бўлишни талаб этади. Устозлар мактаби ва тажрибаси замирида янги-янги ёш истеъдодлар рўёбга келмоғи табиий. Адабиёт ҳам, шак-шубҳасиз бир жойда тўхтаб қолмайди. Ҳаёт ва жамият сингари муттасил ривожланиб бориш адабиётга ҳам тааллуқлидир. Ёш ижодкорларнинг мутлақо янги қиёфа ва чирой касб этган "Дўрмон" ижод уйида 23-27 ноябр кунлари бўлиб ўтадиган янгиланган шаклдаги республика семинар-кенгаши истиқлол даври адабиётининг ўзига хос мактаби вазифасини ўтайди. "Баркамол авлод йили"га бағишланган бу тадбирни анъанага айлантириш ниятидамиз. Мазкур ижодий анжуманда республикамизнинг ҳамма вилоятлари, Қорақалпоғистон республикасидан ташриф буюрган истеъдодли ёш ижодкорлар бир ҳафта давомида машғулотлар ўтказадилар, устозлар сабоғидан баҳраманд бўладилар. Семинар ҳар жиҳатдан мазмунли ва самарали ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Семинар кунлари ёш ижодкорлар истиқлол йилларида бутунлай янгиланган пойтахт ҳаёти, диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишадилар, музей ва театрларда бўладилар. Ишонамизки, семинар-кенгаш янги истеъдодларни кашф этади, адабиётимизнинг келажагини белгилайдиган асарлар юзага келишига замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор вазифалари аниқ ва равшан белгилаб берди. Ҳеч шубҳасиз, бу улкан вазифалар уюшмамиз аъзолари бўлган шоир ва ёзувчиларимизни, қайси жанрда бўлмасин, янги жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, замондошларимизнинг ёрқин образлари акс этган асарлар яратишга даъват этади.

# КУШОН ДАВРИНИНГ ОЛТИН ТАНГАСИ

## ёхуд кўҳна девор орасидан чиққан ноёб топилма

Собир Қурбонов Каттақўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарчасида яшайди. Тарихга қизиқади. 2008 йилнинг баҳор ойлари Тошкентга юмуш билан жўнаб кетар экан, ҳовлисидаги эски уйи бузилаётганидан кўнгли ўксиди. Болаликдаги қанча-дан-қанча азиз ва қадрдон хотиралари шу уй билан боғлиқ эди. "Аммо, начора, ҳамма нарсанинг вақти-соати бор-да. Энди замон талабига мос уй-жой қуриш керак", деб ўйлади у. Кейин эски уйни бузишга ёрдамлашаётган поччаси Эркин ака ва жияни Обидга қараб: "Бирор хазина топиб олсанглар, ўзимга берасизлар", деб ҳазиллашган бўлди.

## Тарих ва тақдир

Тошкентдаги ишларини битириб қайтиб келса, онаси бир эски тангани узатди: "Жиянинг девор кесаклари орасидан бир сариқ танга топиб олибди. Тоғамга беринг, тилла танга сўраган эдилар, аммо сариқ мис танга чиқди", — деди.

Тангадаги тасвирга кўзи тушдию Собирнинг юраги тўлқинланиб кетди. У ғаройиб суратли танганинг қадимий эканлиги, ёзуви ҳам борлигини кўриб роса ҳаяжонланди. Бир вақтлар Шарқшунослик институтига имтиҳон топшириб, танловдан ўта олмагани эсига тушди. Собир тангани яхшилаб ювиб тозалади. Катта тугмадек келадиган танга юзасида антиқа либосдаги соқолли одам бор бўйига тасвир этилган эди. Бир қўлида узун таёқ, иккинчи қўлида шамчироқми, кашкулми, нимадир бор. Бошида шоҳона тож. Ўнг томонидаги ёзувни эса ўқий олмади. Фақат «nkp» деб ёзилган ҳарфларнигина базўр илғай олди. Танганинг иккинчи томонида эса ёш йигит ва аллақандай чизгилар, белгилар... Хуллас, ҳеч нимани тушунолмади.

Устози Мирёқуб Қобилов уни тарихга қизиқтирган, эски ўзбек ёзувларини ўргатган эди. 1990-йилларда Каттақўрғон туман болалар ижодиёти уйида сайёҳлик ва эски ўзбек ёзуви тўгарагининг раҳбари бўлган Мирёқуб Қобилов асли журналист, аммо номи чиққан сайёҳ, Помирни, Ўрта Осиёнинг кўп жойларини гоҳ пиёда, гоҳ велосипедда айланиб чиққан. Қадимиятга, турли динлар тарихига, рассомликка қизиқиши зўр. Ҳозир Тошкентда яшайди. Уни излаб Тошкентга борса, Мирёқуб кечагина Сангижумага кетган экан. У ерда дунёда энг йирик деб тан олинган тебранувчи харсангтошлар бор. Шуларни суратга олгани кетибди. "Ўзбекистоннинг ҳар бир бурчаги мўъжизага бой, фақат уларни меҳр қўйиб кўра билиш керак", дейди у. Шу боис вақт топди дегунча вилоятларни кезгани-кезган.

Устозини сабрсизлик билан кутган Собир Мирёқуб ака қишлоққа келганида тангани кўрсатиб, маслаҳат сўради. Устоз тангани суратга олиб, мен бир ўрганиб чиқай-чи, кейин гаплашамиз, деди. Бироқ узоқ куттирмади. Орадан уч кун ўтгач, қўнғироқ қилиб, Тошкентга келишини сўради. Аниқланишича, бу сариқ чақа олтин бўлиб, вазнига кўра тахминан 300-350 доллар турса-да, қадимийлиги, маданий ва бадиий қиммати жиҳатидан тамаддун тарихида янги саҳифа очувчи аҳамиятга эга экан. Мирёқуб Қобилов бу тангани Растропович коллекцияси, Фаберже тухумлари ва Ван Гогнинг "Кунгабоқар"ига қараганда ҳам қимматли ва бебаҳо, деб ҳисоблайди.

Собир бу коллекциялар нақадар катта қимматга эга эканлигини яхши билади. Янги топилган мазкур тангада милодий эранинг I-II асрларида ҳукмронлик қилган Кушон империяси подшоҳларидан бири — Канишка I тасвири туширилган. Дунё музейлари каталогларида бу олтин динорнинг ўхшаши йўқ. Устознинг маслаҳати билан ноёб олтин тангани музейга топширишга қарор қилишди. Бунинг учун Собир онасидан ҳам рухсат сўради. Самарқанддаги ЎзРФА Археология институти раҳбарлари олтин тангани ҳайрат ила кўздан кечириб, уни қабул қилишгани ҳақида далолатнома ёзиб беришди.

Яқинда Собир ва Мирёқуб Қобилов билан учрашдик. Ўша танга ва жаҳон музейларида сақланадиган Кушон подшолиги ҳукмдори Канишка I нинг тасвири зарб этилган олтин тангаларнинг интернетдан олинган суратларини солиштириб кўрдик. Канишка I даврида Кушон маданияти юксак даражада тараққий топган. Шарқ мамлакатлари ва Рим империяси билан савдо ва маданий алоқалар ўрнатилган. Олтин, кумуш, мис тангалар зарб этилган. Собирнинг ҳовлисидан топилган тангадаги тасвирлар ҳам ниҳоятда бежирим ва нафислиги билан ажралиб турибди. Канишка I нинг қиёфаси улуғвор ва салобатли. Демак, тангалар вақти-вақти билан мукаммалаштириб борилган. Канишка Кушон ҳукмдорининг чевараси бўлиб, у бобокалони тузган улкан мамлакатни ривожлантирган. Қадимшунослар фикрича, Канишка Кашмирда Будда йиғинини чақирган, кўплаб ибодатхоналар қурдирган. Ўша даврда юнон, эрон, ҳинд ва маҳаллий халқ маданиятлари ўзаро уйғун ҳолда янада ривож топган.



Беихтиёр Термиздаги Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган улкан Археология музейи жиҳозлари кўз олдимга келади. Замонавий бинода ота-боболаримиз маданиятига, тарихига оид бебаҳо осори-атиқалар кўз қорачиғидек асралиб, илмий жиҳатдан ўрганилмоқда ва намойиш этилмоқда.

Шўролар замонида одамлар қўлига тушган кумуш ва олтиндан ясалган қадимги тангаларни заргарларга пуллагани ёки эритиб тиш қўйдиришгани, арзимаган ялтир-юлтир газмолларга алмаштиришгани юрагимни ўртайди. Устоз-шогирднинг мамнун қиёфаларига қараб туриб, бугунги кун одамлари ҳақида ўйлайман. Улар осори-атиқаларимиз, халқимизнинг бой ўтмишидан гувоҳлик берувчи ноёб топилмаларни қадрига етаётгани, бундай юртдошларимиз сафи кун сайин кенгайиб бораётгани кўнгилга ёруғлик сочади.

Зотан, буюк давлатнинг фуқаролари оддий бир тарихий танга тимсолида ҳам ўтмиш ва келажакни боғловчи олтин халқани кўра биладиган, идрок эта оладиган онгли ва юртпарвар инсон бўлмоғи керак.

Собир ва унинг устози тимсолида ана шундай фидойи одамларнинг сафи кенгайиб бораётганидан ифтихор қилдим.

**Нодир НОРМАТОВ**

**Суратда: Канишка I тасвири туширилган танга.**

# ҲАЙКАЛЛАР — ШАҲАР КЎРКИ

***Шаҳарларнинг ўзига хос меъморий қиёфасида маҳобатли ҳайкалларнинг беқиёс ўрни бор. Моҳир ҳайкалтарошлар томонидан катта истеъдод билан яратилган ҳайкаллар шаҳарларимизга бетакрор гўзаллик бағишлаши билан бирга ҳар бир халқнинг ўтмиши ва тарихи, улуғ сиймолари, маданият ва адабиёт намояндаларига бўлган ҳурмат-эҳтиромини ҳам ифода этади. Пойтахтимиз Тошкентнинг боғ ва хиёбонларига кўрк бағишлаган гўзал ҳайкалтарошлик намуналари ҳам дунё шаҳарларидаги ноёб ҳайкалтарошлик асарлари орасида алоҳида ажралиб туради.***



Соҳибқирон Амир Темур, буюк шоиримиз Алишер Навоий, шунингдек, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон ва Зулфия каби ёзувчи ва шоирларимизга ўрнатилган ҳайкаллар катта маҳорат билан яратилган. Истиқлол йилларида юртимизда ҳайкалтарошлик санъати ҳам кенг кўламда ривож топиб, бу соҳада ижод қилаётган истеъдод соҳиблари сафи кенгайиб бормоқда. Улар орасида таниқли ҳайкалтарош Тўлаган Тожихўжаевнинг ҳам муносиб ўрни бор. Унинг ҳайкалтарошликка қизиқишига рассомлар маҳалласида яшагани туртки бўлган. Таниқли рассомлар Раҳим Аҳмедов ва Александр Винернинг бу йўлда Тўлаганга хайрихоҳлиги кейинчалик кичик рассом қалбида ҳайкалтарошликка иштиёқни кучайтиради. Дастлаб рассомлик тўгарагига қатнашиб юрган Тўлаган кейинчалик Санъат институтида таҳсил олади.

Ҳозир Ўзбекистон Бадиий академиясида ҳайкалтарошлик шўъбаси раиси бўлиб ишлаётган Т.Тожихўжаевнинг "Алишер Навоий", "Камолиддин Беҳзод",

## Учрашув

"Ойбек", "Озод Шарафиддинов", "Тандир", "Орзиқиш" каби асарлари жамоатчилик ва мутахассислар томонидан кенг кўламда эътироф этилган. 1991 йили Парижда унинг ҳайкалтарошлик асарларига доир шахсий кўргазмаси намойиш этилди. Т.Тожихўжаев яратган кўплаб ҳайкаллар мамлакатимиз ҳамда хориждаги музейларда ҳам сақланади. Ҳайкалтарошнинг самарали ижодий изланишлари 2000 йили "Офарин" мукофоти, 2008 йили эса "Шуҳрат" медали билан муносиб тақдирланган. Яқинда у Туркиянинг Чанаккале шаҳрида бўлиб ўтган ҳайкалтарошлар симпозиумида қатнашиб қайтди. Тўлаган акадан сафар таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

— Аввало, шуни айтиш керакки, санъатнинг бу тури ижодкордан катта билим ва иштиёқ, фидойилик, сабр-бардош, шу билан бирга миллат тарихи, маънавияти, ном қозонган буюк шахслар ҳаёти ва ижодидан хабардор бўлишни ҳам талаб этади. — дейди у. — Туркиянинг Чанаккале шаҳрида ўтган симпозиум бу жиҳатдан кўпчилик учун чинакам маҳорат синови бўлди. Анжуман барча ҳамкасбларимда катта таассурот қолдирди, деб ўйлайман. Бир ой мобайнида мармардан ҳайкал ясашга доир ўз тажрибаларимиз билан ўртоқлашдик. Бу иш игна билан қудуқ қазишдек машаққатли. Бирор ножўя хатти-ҳаракат образ моҳиятига таъсир этиши мумкин.

Симпозиумда Грузия, Венгрия, Болгария, Россия, Озарбойжон ва Туркия ҳайкалтарошлари ҳам иштирок этишди. Грузиялик ҳайкалтарошларнинг ўз касбига меҳри ва садоқати, диққат-эътиборини чалғитмай ишга шўнғиб кетиши мени ҳайратга солди. Чанаккаледа қадимда меъморлар томонидан яратилган устунлар жуда кўп экан. Уларни яратган меъморлар ишига тан бермай илож йўқ. Бу устунлар оддий асбоблар ёрдамида шу қадар маҳорат билан яратилганки, бамисоли гўзал санъат асарлари дейсиз. Шунинг учун Чанаккаледа яшаб ижод қилган ўша меъморлар образини яратишга ҳаракат қилдим. Кўпчилик қаҳрамонимни ўзбекларга ўхшаброқ кетганини ҳам айтишди. Очиғи, бундан хурсанд бўлдим. Ҳар бир миллат вакили яратаётган асарига ўзига хос менталитет, дунёқарашни сингдириши зарур, деб ўйлайман.

**— Симпозиумда қатнашган хорижлик ҳайкалтарошлар ижодидаги қайси йўналишлар сизга манзур бўлди?**

— Реалистик йўналишдаги асарларда кўз кўзга ўхшайди, одам — одамга. Абстракт услубда ишлаётган ҳайкалтарош бирор ҳажм орқали образни тасвирлашга ҳаракат қилади. Аллегорияда образ рамзий маънода қиёсланади. Биз асосан реалистик йўналишда ижод қиламиз. Бошқа миллат вакиллари эса кўпроқ безак белгилари орқали образ яратишга ҳаракат қилаётгани гувоҳи бўлдим. Симпозиум давомида ҳамкасбларимдан турли миллатларга хос ҳайкалтарошлик мактаблари бўйича ўзаро тажриба алмашдик, бир-биримиздан ниманидир ўрганишга ҳаракат қилдик.

Энг муҳими, қуёшли юртимиз ҳайкалтарошлик санъати намуналарига хорижлик касбдошларимизда катта эътибор уйғотганимиздир.

**Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА**
**суҳбатлашди**

## Журналларни варақлаганда

### "ГУЛИСТОН"

**2010 йил, 5-сон**

Журналнинг янги сони Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи билан очилади. Башорат Отажонованинг "Далаларга боғланган умр" очеркида Ўзбекистон Қаҳрамони Патилахон Эргашева ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроевнинг юз йиллигига бағишланган "Юлдузли кўзлар" номли мақоласида буюк актёрнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган. Э.Тошбековнинг "Тарбия биз учун...", Р.Турдибоеванинг "Ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш" мақолалари Баркамол авлод йилига бағишланган.



Шунингдек, ушбу сондан Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрида бўлиб ўтган кекса авлодга мансуб санъаткорлар билан ёш ижодкорлар ўртасида давра гурунги, Саидовнинг "Меҳр нури" мақоласи, ёзувчи Неъмат Ҳакимнинг "Ботирлари бор эл" бадиаси жой олган.

Ақл машқи ҳисобланувчи шахматга ёшларнинг қизиқиши, иштироки юксак даражада. "Ўзбегим спорти" саҳифаси тажрибали шахмат мураббийси Равшан Шукуров фаолиятига бағишланган. З.Сулаймонованинг "Шарқона тасвирий санъат султони" мақоласи мусаввир аждодимиз Камолиддин Беҳзоднинг мероси ҳақида ҳикоя қилса, М.Шамснинг "Орамиздаги одам" очерки бастакор Баҳрулла Лутфуллаев ижодига бағишланган.

Мичиган университети (АҚШ) тадқиқотчиси Рейчел Ҳаррелнинг "Адабиёт овози", (Зулхумор Мирзаева таржимаси), туркман адабиёти намояндаларидан бири Берди Кербобоевнинг "Ёзувчининг қаноти" (Машариф Сафаров таржимаси) Т.Мансуровнинг "Муҳаббат сирлари ва матонатли маҳбубалар", К.Жонтоевнинг "Боқий ҳаёт сирлари", Н.Қодированинг "Сержило соч — гўзаллик тимсоли", З.Фозилжон қизининг "Лайлакнинг қасоси" каби мақолалари журнал мундарижасини бойитган.

### "ЗВЕЗДА ВОСТОКА"

**2010, 3-4-сонлар**



Журналнинг янги сони Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Соҳибқирон Амир Темур" сарлавҳали мақоласи билан очилади.

Шеъриятга бағишланган саҳифаларда атоқли шоир Усмон Носирнинг бир туркум шеърлари рус тилига В.Малахов, В.Зубаров, Б.Бурмистров ва бошқалар таржимасида берилган. Тилак Жўра ва Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини Т.Гутина ҳамда Г.Резниковский таржималарида ўқийсиз. Шунингдек, ушбу сонда русийзабон шоирлардан Марина Богатирёва, Вика Осадченко, Андрей Павлюк, Израиль Ландсман, Рифкат Мақсудов ва Любовь Тилабаева шеърларидан баҳраманд бўласиз. "Дебют" рукнида ёш ижодкорлардан С.Шеглованинг шеърлари, Э.Назаровнинг ҳикояси эълон қилинган.

Атоқли ўзбек адиблари Абдулла Қаҳҳорнинг "Минг бир жон", Ғафур Ғуломнинг "Менинг ўғригина болам" ҳикоялари (А.Раҳимий ва А.Наумов таржималари), Назар Эшонқулнинг "Уруш одамлари" қиссаси (И.Чориева таржимаси), Латиф Маҳмудовнинг "Миллион дона ўрик" ва Саъдулла Сиёевнинг "Хотира" (Н.Владимирова таржимаси) ҳикоялари ҳам журналнинг мазкур сонида босилган. Шунингдек, бу сонда олмон адиби Ҳерман Ҳессенинг "Донолик сўқмоғи" ҳамда Олга Горигорьеванинг "Қўрқув синдроми..." романларини ўқийсиз.

Д.Алимованинг "Маҳмудхўжа Беҳбудий", Р.Зарипованинг "Ҳофиз Шерозий", Акмал Саидовнинг "Ўзбек "Фауст"и" мақолалари, Ш.Камолиддиннинг Аҳмад Югнакий таржимаи ҳолига оид тадқиқоти, Г.Гадипова ва А.Лиходзиевскийнинг жаҳон адабиёти тажрибаларига бағишланган адабий танқидий мақолалари ҳам журнал мундарижасини бойитган.

# Мавсумга тайёрмисиз?



Ҳар йили мамлакатимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш учун барча соҳаларда ташкилий ишлар амалга оширилади. Шу йилнинг 15 ноябридан 15 декабрига қадар республикамизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Бу жараён, айниқса, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига катта вазифа юклайди. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, заҳарли газлар атмосферага кўтарилиб, мусаффо ҳаво таркибини булғайди. Энг ачинарлиси, ёнғинлар инсонларнинг жароҳатланишига ва ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Бундай талофатнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида газ ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан кенгайтирилган йиғилишлар ўтказиб келинмоқда. Куз-қиш мавсумида турар жойларда иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳоллари кўпайишини инобатга олиб, газ плитасини ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириб ўтказиш, резина шланг орқали улаб ишлатиш, қўлбола электр иситиш ускуналаридан фойдаланиш бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши тўғрисида аҳоли огоҳлантирилмоқда. Бундан ташқари, айни вақтда республикамиз ҳудудига кириб келаётган газ иситиш печларининг меъёр талабларига жавоб бермаслиги, улардан фойдаланиш натижасида газ иси чиқиб, одамларни заҳарлаши мумкинлиги ҳақида ҳам кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёнғин оқибатида келиб чиқадиган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, давлат мулкини кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Темур АБДУРАИМОВ,**
**12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди зобити**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 233-57-47

Қалб ва қиёфа

# НЕКБИН РУҲ, ҲАЁТСЕВАР ҒОЯ

Усмон Азимни узоқ йиллардан бери биламан. Ёш шоирнинг адабиёт оламидаги илк қадамларини эслаганимда, аввало, унинг гуржи диёридан Маяковский номидаги мукофот совриндори бўлиб қайтган сурурли кунлари ёдимга келади. Ўшанда у турли минбарлардан шавқ-завқ билан шеър ўқир экан, овози ҳам, ўқиш усули ҳам, ҳатто шеърларидаги ловуллаб турган чўғ ҳам ўша оташин шоирни эслатар эди.

Шу воқеадан кейин ўтган қарийб ўттиз йил ичида Усмоннинг шеъри ўзгарди: ёшликнинг жўшқин сойлари бора-бора икки ёни баланд тераклар билан қуршалган анҳорга келиб қўшилганидек, унинг шеърларидаги курашчанлик руҳи секин-аста ўйчанлик ва фалсафийлик касб эта бошлади. Агар унинг илк шеърларидан замонининг, тарихий даврнинг янгроқ садолари жаранглаб турган бўлса, энди шоир қалбининг турфа таманнолари устуворлик қиладиган бўлди.

Усмон Азимнинг 1979 йили чоп этилган илк шеърлар тўплами "Инсонни тушуниш", деб номланган. У шу вақтдан бошлаб ҳар бир шеърида инсонни тушуниш, унинг мураккаб руҳий оламини кашф этиш йўлида изланиб келади. Шеъриятнинг



бош қаҳрамони гарчанд инсон деб аталган бўлса-да, бу инсон аслида шоирнинг ўзи эканлиги маълум. Бинобарин, шоир ўзидаги инсонни, унинг руҳий оламини, изтиробларини, аламлари, туғёнлари, шунингдек, эркаликлари, севинчлари, қувончлари, фароғатли ва бахтли дақиқаларини тушунишга ва, албатта, оҳори тўкилмаган бўёқлар ёрдамида акс эттиришга интилади. Биз Усмон Азимнинг "Инсонни тушуниш"дан бошлаб куни кеча чоп этилган "Юрак" ва "Фонус" тўпламларигача бўлган ижоди саҳифаларини варақлаб, улардаги поэтик мазмунни илғашга интилар эканмиз, шоирнинг шу давр мобайнида ҳозирги ўзбек шеъриятининг пешқадам намояндаларидан бирига айланганига ишонч ҳосил қиламиз.

Усмон Азимнинг ўқтин-ўқтин турли газета ва журнал саҳифаларида эълон қилинган шеърларини ўқиган китобхон уларнинг аксари бугунги ўзбек шеъриятининг намунаси эканлигига амин бўлади. Усмон Азим шеърларининг, хусусан, каминага, ўйлайманки, шеърият мухлисларига ҳам манзур бўладиган жиҳатлари оз эмас. Шулардан бири улардаги поэтик фикр, туйғу ва кечинманинг нафис ифодаланганидир.

Мен Усмоннинг шундай шеърларини ўқир эканман, бундан бир қанча йиллар илгари рўй берган воқеа хотирамга келади. Кунларнинг бирида биз Миртемир домлани зиёрат қилиш учун унинг хонадонига борган эдик. Ҳовлидаги ишком тагига қўйилган стол атрофида ўтириб суҳбат қурар эканмиз, почтальон бир талай газеталарни олиб келиб қолди. Миртемир домла қайсидир газетани олиб варақлай бошлади. Шу пайт кўзи оқсоқол шоирлардан бирининг шеърига тушиб қолди. У шеърни ўқиб бўлгач: "Фалончи ака жуда идеал шеърлар ёзадиган бўлиб кетдими!", деди-да, қотиб-қотиб кулди. Чунки бу туркум шеърлар: "Баҳор келса, гул очилади, қиш келса, қор ёғади", деганга ўхшаш сийқа гапларнинг сийқа ифодасидан бўлак нарса эмасди. Миртемир домланинг кинояси шу шеърга берилган одилона баҳо эди.

Тахминан ўша йилларда ўзбек шеъриятига кириб келган Усмон Азим ва унинг тенгдошлари шоирнинг вазифаси ўтмишдошларни такрорлаш эмас, балки поэтик мазмунни ифодалашнинг янги усул ва воситаларини топиш, янги поэтик образ ва бўёқлар ёрдамида воқеликни, шу воқеликнинг руҳий ва маънавий маркази – Инсон қалбида рўй бераётган ўзгаришларни тасвирлаш эканлигини англадилар. Айниқса, Усмон Азим бояги оқсоқол шоир даражасига тушиб қолмаслик учун доим ижодий изланиш муҳитида яшади ва ҳозир ҳам яшаб келмоқда.

Шубҳасиз, ҳар қандай шоир ҳам муайян ижодий маррага чиқиб олганидан кейин шу марра атрофида айланиб қолиши, ижодий топилмаларининг ранг-рўйини кетказиб юбориши ҳеч гап эмас. Агар шоир ўз истеъдодининг янги имкониятларини, янги қирраларини кашф қилишда давом этмаса, у янги ижодий довонга кўтарила олмайди. Усмон Азимнинг ижодий янгиланиб туришининг сабабларидан бири шундаки, у бир адабий турдан иккинчисига, бир жанрдан бошқасига ўтиб туради. Шоирнинг кетма-кет ҳикоялар, пиесалар ва киносценарийлар ёзиши, турли жанрлар, мавзулар ва қаҳрамонлар муҳитидан нафас олиши унинг мунтазам янгиланиб туришига имкон яратмоқда. У шундай янгиланиш паллаларида аввал топган поэтик образ ва бўёқларни янада ўйнатиб-яшнатиб юборади. Энг муҳими, у ҳис ва туйғулар оламига нур тезлиги билан кириб, лирик қаҳрамоннинг ёниқ руҳий ҳолатини бир-икки чизма билан яққол гавдалантириб беради.

Усмон муҳаббат ҳақида кўп ва хўп ёзган. Агар унинг аввалги шеърларида лирик қаҳрамоннинг севги туйғулари ифодасида равшанлик ва ҳатто порлоқлик устуворлик қилган бўлса, сўнгги шеърларида порлаб ёнган мушакларнинг ёрқин излари тасвирга тортилгандек туюлади. Аммо бу сўнган севги излари эмас. Лирик қаҳрамон севгиси (бинобарин, шоир севгиси) оловланган бўлса оловланганки, асло сўнмаган. Фақат шоир энди севги ҳақида минбар олдида турган оломонга эмас, балки энг яқин кишисининг, сирдошининг қулоғига шивирлаб айтади.

Қуйидаги шеърда шоир лирик қаҳрамонининг ана шундай ўзгача, аммо ёниқ руҳий ҳолати ўз тасвирини топган:

*Сен ҳақда шеър ёзсам,*
*Қайта яралар.*
*Ҳар бир сўз. Ҳар сўзнинг*
*Ноласи янги.*
*Дунёга янги бир*
*Дунё таралар —*
*Мендан — овозию*
*Сендан — шаъм ранги.*

Усмон Азимнинг муҳаббат лирикаси сўнгги йилларда шундай қиёфа олган: у сўзга хасис, лирик қаҳрамон қалбини ўртовчи изтироб ёлқинини бир-икки образ, бир-икки чизма билан ифолайди, холос. У шундай усул билан сўзнинг шеърий матндаги вазнини, салмоғини оширади ва айни пайтда шеърхонни шеърни чуқур ҳис этишга, ҳар бир сўз ва ҳар бир поэтик образнинг мағзини чақишга даъват қилгандек бўлади.

Шоир бир шеърида ёзади:

***Мен сени деб азобларга урдим бош,***
***Мен сени деб хатоларга қайрилдим.***
***Мен сени деб гуноҳ бўлдим, бағри тош,***
***Мен сени деб бу дунёмдан айрилдим.***

Шоирнинг талқин этишича, лирик қаҳрамон айрилиқларга қарамай бир нарсага эришганки, бу нарса икки оламга тенг бебаҳо бойликдир. Шоир шу фикрни лирик қаҳрамоннинг кайфиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича ифодалайди:

***Оҳ, лаҳзада йўқлар этдинг, бор этдинг,***
***Боримга ҳам, йўғимга ҳам сен ёрсан.***
***Мени қандайин гуноҳларга ёр этдинг,***
***Икки дунём йўқдир, фақат сен борсан.***

Айтиш мумкинки, Усмон шу шеърда поэтик образга янги фалсафий маъно бағишлашга, лирик қаҳрамоннинг ёрга бўлган муҳаббатини янада улуғлашга эришган. Шоир бу шеър орқали чин севги инсон руҳини пок ва бокира туйғулар билан бойитувчи, уни илоҳий юксаклик сари етакловчи омил, деган ғояни олға суради.

Ўзбек мумтоз шеъриятининг энг гўзал намуналари ажойиб поэтик топилмалари, чуқур маъноли образлари, ташбеҳлари, мусиқий наволари билан товланиб туради. ХХ асрнинг 20-йилларида мумтоз аруздан замонавий бармоққа ўтилганда, ана шу рангинлик "феодал давр лирикаси"-нинг белгиси сифатида шўро даври шеъриятига йўнатилмади. Чўлпон соф лирик туйғу билан йўғрилган шеърларида шу рангинликни таъминловчи айрим поэтик унсурларидан маҳорат билан фойдаланди. Ойбек бу анъанани давом эттириб, истиорани ўз лирикасининг рангинлигини белгиловчи муҳим воситага айлантирди. Орадан бир қанча йиллар ўтиб, "соф лирика"га қарши кураш алангалари сўнгач, дастлаб Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар, сўнгра Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон ва Усмон Азимлар авлоди ўзбек шеъриятидаги фикр ва туйғу ифодасининг нафислашишига ёрдам берувчи тасвир усули ва воситаларига кенг мурожаат этди. Хусусан, Усмон истиора ва бошқа тасвир воситалари ёрдамида туйғунинг онг орти ҳаракатларини ҳам тасвирлаш маҳоратини пухта эгаллади.

Шоирнинг шундай шеърларида ифодаланган поэтик мазмунни баён қилиш, уни таҳлилга тортиш ҳам қарийб иложсиз. Шу ўринда Усмоннинг "Ёмғирли кечада..." деб бошланган шеъридаги лирик қаҳрамон кўнглида туғён урган туйғулар ҳаракатига эътибор қаратсак:

***Ёмғирли кечада фалакка учдим,***
***Шамоллар юзимга ёпишди — ивиб.***
***Юлдузлар армонли шивирга тушди:***

***— Ёмғирнинг ҳиди-ку...***
***— Ёмғирнинг ҳиди!..***

***Бир юлдуз илтижо этди тангрига***
***Истиғфор сўзида нур бўйи анқиб.***
***— Қандай соз — ётмоқлик ернинг тагида —***
***— Ёмғирни эшитиб ухламоқ бахти!..***

Шу шеърни ўқир эканман, Дилором Омонуллаеванинг латиф мусиқаси ва Кумуш Раззоқованинг дилнавоз овози билан эл-юртга манзур бўлган шоирнинг "Ёмғир ёғар майда-майдалаб" қўшиғи ёдимга келади. Ёмғир — Усмоннинг севимли образларидан, ёмғирли кун ёки тун эса унинг қалбини жунбишга келтирувчи табиат мўъжизаларидан бири. Агар ёмғир ёш йигит ва қизларнинг муҳаббат туйғуларига жўровозлик қилса, умр баҳорини ортда қолдирган кишиларда дафъатан армон туйғусини уйғотиб юборади, ўтаётган умрнинг учқурлигини ёдларига солиб, уларни ҳазин ва мунгли кайфият оғушига олади. Биз мазкур шеърда айнан шу руҳий ҳолатнинг тасвирини кўрамиз. Лирик қаҳрамон ўзи севган ёмғирли кечада қанот боғлаб учгандек бўлади. Ёмғирдан ивиган шабада (!) унинг юзига урилиб ёпишади. Бу ғаройиб манзарани кўрган юлдузлар наздида ёмғир навосини эшитиб ухлаш нашъали. Улар ана шу бахтдан баҳраманд бўлиши мумкин бўлган лирик қаҳрамонга ҳавас билан боқиб, уни кумуш нурлар чангига кўмиб юборадилар. Бу улар томонидан лирик қаҳрамонга кўрсатилган меҳр-муҳаббатнинг белгиси. Аммо лирик қаҳрамон ҳатто кумуш нурлар чангида кўмилишни ҳам хоҳламай, тангрига: "Заминга бермагин измим", деб ёлворади...

Шеър якунида лирик қаҳрамоннинг тангрига муножотидан бошқа муаттар бўй эсиб-таралиб туради: бу бўй ҳаётсеварлик бўйидир!

Усмон сўнгги йиллардаги шеърларида армоннинг ранглари ва оҳангларини қанчалик турфа шаклларда ифодалаётган бўлмасин, бу тасвир заминида некбин руҳ, ҳаётсеварлик ғояси ётади. Усмон Азим шеърий камалагининг асосий ранги ҳам ана шу руҳ ва ана шу ғояда.

**Наим КАРИМОВ**

# Шоир бўлиб шуҳрат топганлар

***Миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлмиш мумтоз адабиётимиз нафақат халқимизга, балки дунёга ўнлаб буюк ижодкорларни, жаҳон адабиёти хазинасига эса юзлаб дурдона асарларни тақдим этган. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" номли рисоласида: "Халқимиз адабиётни муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди", дея таъкидлангани бежиз эмас. Бу эътиборнинг жойлардаги татбиғи ўлароқ Фарғона вилоятида ҳам адабиётимиз ва унинг улуғ намояндалари ижодига бўлган юксак ҳурмат барқарор равишда давом этиб келаётир. Яқинда вилоят ҳокимининг машҳур шоирларимиз Увайсий, Муқимий, Ҳазиний ва Чархий таваллуд саналарини нишонлаш ҳақида чиқарган фармойиши фикримизга далилдир.***

Мазкур ижодкорларнинг адабиётимиз тарихида тутган ўрни, хусусан, ўз даврида Қўқон адабий муҳитининг етакчи ижодкорларидан бўлганликлари исботталаб эмас. Фикримизча, бу шоирларимизни мумтоз бадииятга хос бўлган адабий анъана ва ўзаро таъсир масалаларидан ташқари, уларнинг руҳияти ва эътиқодидаги уйғунлик ҳам боғлаб туради. Бу эса уларнинг ҳаёти, яратган асарларининг бадииятида акс этади.

## Ўзбек мумтоз адабиёти

Чунончи, Увайсий нафақат ўзбек, балки Шарқ мумтоз шеъриятидаги ўзига хос, бетакрор сиймо. Унинг лирикаси алоҳида бир гўзал бадиият оламини ташкил этади. Шоира ижоди бўйича кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар унинг илоҳий маърифатни, тарихий ҳақиқатни, пок эътиқодни ва ниҳоят, олий муҳаббатни тараннум этганлигини кўрсатмоқда. Шоиранинг ўзи кенг билимли, маърифатли аёл бўлиб, баъзи ғазал ва мухаммасларида асл ёр ғами ва унга элтувчи ошиқларнинг риёзатли йўли тасвирланади. Ҳаёт йўли ҳам у қадар равон кечмаган шоира қалбида доимо маҳзунлик билан бирга ҳақиқатсеварлик жўш урган, шеъриятида покдомонлик, юксак ахлоқий ғояларни тарғиб этган. Худди шундай хусусиятларни Муқимий ва Ҳазиний ижодида ҳам кўрамиз.

Мавлоно Муқимий мумтоз адабиётимизда маҳоратли лирик ва ўткир ҳажвчи шоир сифатида танилган. Тўғрироғи, узоқ йиллар давомида унинг ижодидаги айнан шу хусусиятларгина бўрттириб кўрсатилди. Аммо шоирнинг:

*Ҳожати ҳар бандаи мўъминраво*
*қилғил Карим,*
*Бори жисмим журму исёнман даво*
*қилғил Карим...*

тарзидаги мисралар билан тўлуғ асарлари ўрганилмади. Аслида у бир неча йил Қўқон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган, ҳам шаръий, ҳам дунёвий илмларни ўзлаштирган олим, хушнавис хаттот эди. Замондошларининг айтишича "ҳам илми қол, ҳам илми ҳолда етук", "мутавалли, имом ёки қози" бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин у ҳаётини ҳалоллик, фақирлик ва мискинлик билан ўтказди. Бу жиҳат ҳам шоир шеърларида, айниқса, умрининг охирги йилларида яратилган асарларида яққол сезилади. Шунингдек, у Ҳазиний билан жуда самимий муносабатда бўлган.

Ўттиз ёшида иршод олган Ҳазиний тўранинг Катта Кенагасдаги уйига ёз ойларида Муқимий тез-тез келар ва бу ерда анча муддатгача қолиб кетар эди. Балки Муқимийнинг ўзидан ўн етти ёш кичик Ҳазиний билан дўстлиги фақат шоирлиги туфайли эмас, улар ўртасидаги руҳоний боғлиқлик, десак тўғрироқ бўлар. Чунки Фурқатнинг Ёркентда умрининг охирги йиллари "Кажкул дафтари"га ёзган сўнгги шеъри ҳам айнан ўзидан саккиз ёш кичик Ҳазиний ғазалига тахмис эди. Мана ўша мухаммаснинг дастлабки банди:

*Манам, аҳли фано янглиғ,*
*риёзат қилмасам бўлмас,*
*Топиб бир пири донони,*
*инобат қилмасам бўлмас,*
*Бўлуб хоки роҳи, хизмат*
*давомат қилмасам бўлмас,*
*Гунаҳга тавба айлаб эмди,*
*тоат қилмасам бўлмас,*
*Хатою маъсиятларға надомат*
*қилмасам бўлмас...*

Шеърдаги кайфият ва мисралардаги маънолар поклик ва эзгуликка даъват экани равшан. Табиатан Фурқатнинг шу мухаммасида акс этган икки хислат билан бирга камтарликни ҳам ўз феъл-атворида мужассам этган Муқимий ва Ҳазиний ўртасидаги росмана дўстликни ана шу жиҳатларга боғласак ўринлидир.

Зиёвуддинхон Ҳазиний ўз даврида замондош ижодкорлар томонидан "шоири оташзабон", дея тан олинган. Қаюмий домла ҳам "Ҳазиний ниҳоят ҳаётда... ривожли бир шайх ва шоир бўлуб шуҳратланди", дея таъкидлаган. Шунингдек, у халқнинг ҳурматига ҳам сазовор зот эди. Унинг мағзи тўқ асарларидан, ҳикматли панд-ўгитларидан ва танбур жўрлигидаги хушовозидан баҳраманд бўлишар эди. Ҳазиний ижодида инсон ва инсонийлик улуғланади, кишининг бахти ҳақни танишида эканлиги таъкидланади.

Истеъдодли шоир Асқарали Чархийни Муқимий ва Ҳазиний билан боғлаган муҳим жиҳатлардан бири унинг маҳоратли хаттотлигида эди.

Ижодда ўзини Муқимийга шогирд, деб билган Чархий, айтиш мумкинки, хаттотликда ҳам унга муносиб издош эди. У узоқ йиллар давомида Муқимий музейида илмий ходим бўлиб ишлади ва шоир асарларидан кўплаб намуналарни кўчирди. Хусусан, Муқимийнинг насрий мактубларини айнан унга ўхшатиб, ҳуснихат билан кўчириб чиққани муҳимдир. Бундан ташқари, биз Ҳазиний ижодий меросининг каттагина қисми сақланиб қолиши ва бизгача етиб келишида ҳам айнан Чархий домладан миннатдор бўлишимиз даркор.

Маълумки, Муқимий ва Ҳазиний соҳиби девон шоирлардир. Лекин уларнинг девонлари асл нусхалари ҳануз топилганича йўқ. Узоқ йиллар давомида бу икки шоир асарларининг қўлёзмалари борасидаги тадқиқотларимиз натижасида уларнинг девонлари тартиб берилди. Бу икки улкан ижодкор қаламига мансуб асарлар эса, ўша даврда кўчирилган кўплаб қўлёзма ва босма манбалардан аниқланди. Чархий домланинг эса биз қидирган девонни ёки ундан кўчирилган нусхани кўргани ва ундан бир неча шеърни кўчириб олгани фақат ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигидагина маълум бўлди. Чархий тахминан 1930 — 1940 йиллар оралиғида Ҳазиний асарларидан кўпгина намуналарни икки баёзга кўчирган. Бу манбалар кейинчалик давлат фондига олиниб, ҳозирда Қўқондаги адабиёт музейида сақланмоқда. Ана шу қўлёзмалар ҳозирги кунда шоир асарлари тўпламини тайёрлашда муҳим манбалар қаторидан ўрин олди.

Демакки, камтарин инсон ва шоир Чархий чин шогирд сифатида ўз устозлари Муқимий ва Ҳазиний асарларининг бизгача етиб келиши учун беқиёс хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, Увайсий, Муқимий, Ҳазиний ва Чархий адабиётнинг поклик, эзгулик, адолат ва гўзаллик тушунчаларини улуғловчи қутлуғ даргоҳ эканини теран ҳис этганлар ҳамда бу жиҳатни ўз ҳаётлари, ижодий фаолиятлари давомида исботлаб ўтган улуғ адибларимиздандир. Назаримда, уларнинг таваллуд саналари бир пайтда нишонланаётгани ҳам айнан шу ҳикмат билан алоқадордир.

**Отабек ЖЎРАБОЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

Тақриз

# ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

**Адабий танқид методологик асосларининг янгиланиши ўз ичига қандай масалаларни қамраб олади? Бадиий асар талқини ва унга ёндашувларда қандай сифат ўзгаришлари юз кўрсатмоқда? Адабиётда мангу "барҳаёт" асарлар борми, бор бўлса, улар боқийлигининг сири нимада? Бу каби долзарб муаммоларни ечиш, бугунги адабий жараён мутахассислар олдига қўяётган саволларга жавоб бериш ҳозирги ижодий жараённи адабиётнинг турли даврлардаги тараққиёт босқичлари билан қиёсий таҳлил этишни тақозо қилади. Филология фанлари номзоди Қурдош Қаҳрамоновнинг "Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари" (Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009) номли монографиясида айни шу мавзулар асосий масала қилиб қўйилган. Шу боис, монографияда адабий танқид методологиясидаги янгиланишлар хусусида сўз кетганда ҳозирги адабий жараённи характерловчи хусусиятлар шўро давридаги адабий танқидчилик тамойиллари билан қиёсий таҳлилга тортилади.**





"Методология" тушунчасининг фалсафий талқинига муносабат билдирар экан, муаллиф шўро замонида бадиий ижодга синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, танқиднинг ғоявий кураш қуролига айлантирилиши адабиёт тараққиётига жиддий тўғаноқ бўлганини илмий далиллайди. Истиқлол даври ўзбек адабий танқидчилигида онтологик, гносеологик, экзистенциалистик қарашлар асосидаги диалектик ҳурфикрлилик талқинда ранг-барангликни таъминлаётгани, инсонни поэтик кашф этиш ва у орқали оламни англашга интилиш тамойилининг устувор аҳамият касб этаётгани тадқиқотда таниқли адабиётшунос олимлар Б.Назаров, Н.Каримов, А.Расулов, Н.Раҳимжонов, Қ.Йўлдошев, Д.Қуроновнинг адабий-танқидий мақолалари мисолида очиб берилади. Ҳозирги давр танқидчилигида герменевтиканинг муҳим ўрин тутишини "матн билан ишлашда кўпроқ сўзга эътибор бериш, талқин қилиш, шарҳлаш"-га урғу қаратилаётгани билан изоҳларкан, Қ.Қаҳрамонов бу борада "барқарорлик билан беқарорлик, мувозанат билан мувозанатсизлик, тартиб билан бетартиблик, тизимлилик билан тизимсизлик" ўртасидаги алоқадорлик таҳлил воситасидагина ўз ечимини топиши мумкин, деган хулосага келади.

Муаллиф адабий танқид методологиясининг муҳим жиҳатларидан бири фалсафанинг умумий қонуниятларига, илмий билиш усулларига асосланиши бўлса, бошқа бир жиҳати эстетик категорияларга амал қилиши, бинобарин, бадиий ижодда ҳиссий билим ва идрокнинг етакчилиги билан белгиланади, деган ғояни илгари суради. Шунингдек, гўзаллик ва хунуклик, эзгулик ва ёвузлик, макр ва муҳаббат ўртасидаги азалий зиддият билан боғлиқ эстетик категорияларни бадиий асарни баҳолашнинг асосий мезони сифатида талқин этади.

Тадқиқотда О.Ёқубов, Х.Дўстмуҳаммад, А.Шаропов сингари ёзувчи ва олимларнинг 80-йиллар охири, 90-йиллар бошидаги танқид тамойилларига доир чиқишларига муносабат билдирилар экан, уларга синфийликдан холи янгича дунёқараш, янгича концепциянинг илк куртаклари тарзида қарайди. Адабий жараёндаги етакчи тенденцияларни сўз санъатининг долзарб илмий муаммоси сифатида таҳлил ва талқин қилиш орқали, илмий йўналишларни тўғри ечим сари йўналтириш ҳозирги адабий танқид методологиясининг муҳим жиҳати эканлигига алоҳида урғу беради. Бадиий ижод намуналарининг диалектик ёндошув билан бирга гнесеологик, онтологик, синергетик ёндашувлар асосида таҳлил қилинишини плюрализм билан боғларкан, Қ.Қаҳрамонов ёзади: "Бадиий асарни тайёр назарий қолиплар воситасида эмас, балки матннинг моҳиятидан келиб чиқиб талқин этиш устувор йўналишга айланиб бормоқда". Китобда Б.Каримовнинг "Абдулла Қодирий", "ХХ аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси" каби асарлари таҳлили орқали ХХ аср ўзбек адабиёти намояндалари ижодини қайта баҳолаш адабий танқид методологиясининг янгиланиш тамойилларидан бири тарзида кўрсатилган.

Муаллиф сўнгги йилларда қодирийшунослик, чўлпоншунослик, фитратшуносликка бағишланган тадқиқотлардаги эстетик таҳлил устуворлигига эътибор қаратган мунаққид олимларнинг таҳлил ва талқин услубини шунчаки қайд қилиш йўлидан бормайди, балки улар томонидан йўл қўйилган камчиликларни ҳам босиқлик билан холис кўрсатиб ўтади. Жумладан, М.Қўшжоновнинг "Ўзбекнинг ўзлиги" рисоласида Отабек билан Кумуш фожиаси сабабини "зулмкор ижтимоий муҳит, эски урф-одатлар, ота-она орзуси" каби ташқи муҳитдан излаш унчалик тўғри эмаслигини, аксинча, қаҳрамонларнинг маънавий олами, руҳий дунёси билан боғлаб талқин этиш мақсадга мувофиқлигини тўғри таъкидлайди. Шунга ўхшаш камчиликлар А.Алиевнинг "Истиқлол ва адабий мерос", "Маънавият, қадрият ва бадиият", С.Мирвалиевнинг "Абдулла Қодирий" номли китобларига ҳам хослигини далиллаган мунаққид айни ҳолат адабий танқид методологиясига оид янгиланишларнинг қийинчилик билан амалга ошадиган жараён эканлигига эътибор қаратади. З.Мирзаеванинг "Ўзбек жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши", Ҳ.Болтабоевнинг "Фитрат ва жадидчилик" номли тадқиқотлари мисолида миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилишига доир кузатишлар баён қилинар экан, ижтимоий-мафкуравий, бадиий-эстетик таҳлил муштараклиги нафақат ўзбек танқидчилиги, балки жаҳон адабиётшунослиги ва танқидчилиги учун ҳам хос хусусият эканлиги юзасидан қимматли хулосалар чиқарилади.

Монографияда Б.Каримовнинг "Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин", Б.Дўстқораевнинг "Романнинг бир фазилати", А.Расуловнинг "Бадиийлик — безавол янгилик", И.Ғафуровнинг "Дин эркинлиги", Ш.Холмирзаевнинг "Кечирасиз, жаноб Карпентер, вақтим зиқроқ", Э.Очиловнинг "Сиз шеър айтасизми ё одам қўрқитасиз" каби адабий-танқидий асарлари таҳлили орқали истиқлол даври ўзбек адабий танқидчилиги бадиий асарга "ижтимоий муаммолар", "долзарб мавзулар" нуқтаи назаридан қарашдек эскича ёндашишдан қутулиб, жаҳон адабиётидаги ўзгаришлар, илғор тенденциялар, турли усул ва тажрибалар билан боғлиқ равишда ривожланаётгани асосланади. Чунончи, профессор Ҳ.Болтабоевнинг "Теранлик" мақоласи таҳлили мисолида адабий меросимизни қайта, холис ва ҳаққоний баҳолашда танқидчилигимизда шаклланаётган структуал методнинг имкониятларига ижобий муносабат билдирилган. "ХХ асрнинг бошидаёқ, — деб ёзади тадқиқотчи, — жаҳон адабиётида рўй бера бошлаган туб ўзгаришлар, бадиий адабиётнинг турли-туман оқимларга мансуб намуналарининг яратилиши бадиий асар таҳлили ва талқинига ёндашишнинг ноанъанавий, янги усулларига эҳтиёж туғдиради".

Муаллиф адабий танқиддаги таҳлил методлари, уларни янгилашга бўлган зарурат ҳақида сўз юритар экан, танқидчиликда юзага кела бошлаган герменевтика, ёзувчи ижодий лабораторияси, поэтик олами, маҳорат қирраларини янгича илмий тафаккур элагидан ўтказишга қаратилган тарихий-биографик, тарихий-функционал, семиотик таҳлил, шунингдек, таҳлилда бутун билан қисмни яхлит система тарзида йўналтирилган системали ёндашув, бадиий асарнинг шаклий қурилиши, "қайси замон, қандай тарихий ёки мафкуравий шароитда яратилганидан қатъий назар матндан келиб чиқиб талқин этиш"га доир структурал таҳлил методлари юзасидан қимматли хулосалар чиқаради.

Шу нуқтаи назардан, Қ.Қаҳрамоновнинг "Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари" монографиясида истиқлол даври ўзбек адабий танқидчилигида изчил кечаётган янгиланиш жараёнлари, хусусан, ижодий метод ва тамойилларнинг бир бутун ҳодиса сифатида ўрганилгани қувонарлидир. Мазкур тадқиқот адабиёт ўқитувчилари, магистрант ва аспирантлар, мустақил тадқиқотчилар учун қимматли манба бўла олади.

**Сафо МАТЖОН,**
**профессор,**
**Мақсуд КУРБОНИЁЗОВ,**
**Қорақалпоғистон Давлат университети ўқитувчиси**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 237-21-93; 237-18-24 e-mail: oao@post.uz

# ҲОЗИРГИ ЁШЛАР

Улкан-улуғ адабиётимизнинг кечаги ва бугунги аҳволи, айниқса, адабиётга кириб келаётган ёшларнинг ҳаёти-ю, ижоди-фаолияти мени бир ижодкор сифатида қизиқтиради. Имкон доирасида кузатиб бораман. Энг аввал, айтиш керак. Биров ҳисоблаб чиқмаганига қарамай, кўриниб турибди, қўлига қалам олган ёшлар сон-саноқ бўйича ҳозир олдингидан бир неча бора ошиб кетади. Сифат борасида ҳам уларни (эҳтимол, улардан пешқадам бўлганларни) паст савияда, ёмон ёзяпти, деб бўлмайди. Ёшлар кечаги кунни ва бу кунни жўшиб-тошиб акс эттиришга бел боғлаган (бунга суюниб қарамаслик мумкин эмас). Мустақиллик юраклар қулфини очиб юборгани аниқ. Шундай бўлса-да менда очиғи, бошқа соҳалардаги ҳозирги ёшларга қараганда ёш адибларда фаоллик етишмаётгандек таассурот бор. Яна айтсам, уларнинг бир қисми жаҳон адабиётини оз-моз билса, ўзбек адабиётини ҳеч муболағасиз йигирма фоиз ҳам билмайди. Бошқа қисми ўзбек адабиётидан оз-моз хабардор-ку, жаҳон адабиётидан ҳеч нарса ўқимаган. Учинчи қисм ёзганларини ҳар ерда бостириб, китоблар ҳам тузаётгани ҳолда, на Шарқ, на Ғарбни билади. Оммавий (ададi фалон минг нусха) нашрларда — улар чиқа бошлаганидан буён неча йиллар ўтган бўлса-да, ҳар нарсани “қизиқарли экан” деган “ниқоб” остида “асар” деб бостириш давом этяпти. Баъзи ёшларнинг китобларига ҳар хил шахси номаълум кишиларнинг ҳақи борми, йўқми ўйламай кириш сўзими, оқ йўлми ёзиб гўёки фатво беришаётгани ҳам менингча, ҳаётимизда ҳукм сурган бағрикенгликни нотўғри тушуниш натижасидир.

Кўпчилик ёшларнинг, барибир, изланишаётгани ва янги ифода шакллари қидиришаётганини таъкидлаш керак. Дейлик, бу кун ёзилаётган шеър ва ҳикоялар ўн йил-ўн беш йил олдин ёзилганларга мутлоқ ўхшамайди. Адабиёт ўзгариб бораётгани, руҳ эркинлиги қарор топаётгани кўзга ташланади.

**Омон МУХТОР,**
**Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати**

## Устозлар ва шогирдлар

# ЯХШИ ИМКОНИЯТ

Ёш ижодкорларнинг бўлажак семинарини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Ўзимнинг ёшлигим эсимга тушди. Бизнинг ёшлигимиз ўтган асрнинг 50-60 йилларга тўғри келган эди. Ўша пайтларда Ёзувчилар уюшмасида тез-тез семинарлар, адабий анжуманлар бўлиб турар ва биз уларда жон деб иштирок этиб, устозларнинг гапларини жон дилимиз билан тинглаб, ўзимизга бирон нарса олиб қолишга ҳаракат қилар эдик. Бундай семинарлар, анжуманлар нафақат Ўзбекистонимизда, бошқа жумҳуриятларда ҳам тез-тез бўлиб турарди. Ва бу кўп куттирмай ўз самарасини берган эди. Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Чингиз Айтматов, кейинчалик бизнинг Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповимиз ҳам ўша семинарларда иштирок этганлардан.

Маълумингизки, устоз шогирд танламайди, аксинча шогирд устозни танлайди. Бўлажак семинар эса, бирон устознинг этагидан тутиш учун яхшигина имкониятдир. “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, деган гап бежиз айтилмаган. Семинар иштирокчиларига, укажонларимга, сингилжонларимга айтадиган гапим шуки, семинар дегани бир айланиб келиб, бир пиёла чой ичиб кетадиган манзил эмас. Шу баҳона ўзларингизга бирон нарса ололсаларинг, ўзингизга маъқул деб топган бирон устознинг этагидан тутсаларинг, ҳечам афсусланмайсизлар.

Модомики, ҳукуматимиз шундай шароитларни яратиб берган экан, ҳаммамиз миннатдор бўлмоғимиз ва кейинчалик ўз ижодимиз билан муносиб жавоб қайтармоғимиз керак бўлади.

Дўрмон деган ижод боғи кимларни кўрмаган дейсиз. Бу заминда Ойбегу Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳору Ҳамид Олимжон, Уйғуну Комил Яшин, Миртемиру Шайхзода, Шуҳрату Саид Аҳмад, Асқад Мухтору Одил Ёқубов каби буюкларнинг излари бор. Бу табаррук масканда наинки сиз билан бизнинг ота-боболаримиз, балки бобакалону суюк момоларимизнинг ҳам маънавиятини шакллантирган, тарбиясига мутлақо дахлдор бўлган юксак асарлар яратилган. Шуларга муносиб ворис бўлишга ҳаракат қилинглар. “От изини той босар”, деган гап бежиз айтилмаган. Астойдил ҳаракат қилсаларингиз, ўша устозлар изидан борсаларингиз, сизлардан ҳам келажакда яхши-яхши шоирлар, ёзувчилар, драматурглар, таржимонлар чиқади деган умид билан яшаймиз.

Дўрмондаги ёшлар семинарлари ҳамиша завқли, фароҳли ўтган. Устозлар ўзларининг ёш шогирдларига айтмоқчи бўлган гапларини авайлаб, қанд қоғозига ўраб, тушунарли қилиб айтган. Бир воқеа эсимга тушиб кетди. Шайхзода домла поэзия шўъбасида шогирдлар билан хушчақчақ мулоқотда бўлиб, бир пас танаффус пайтида ўзининг “Казбек” папиросини ўша машҳур арғувон остидаги сўрида чекиб ўтирганда ҳозиргина шеърлари муҳокама этилган шоир дўстимиз истиҳола билан домладан сўраб қолди: “Домла, узр, боя бир гапингизда “шоирда дард бўлиши керак”, дедингиз. Шу гап ростми, шоирлар касал бўладими?” Шайхзода домла мийиғида кулиб, кўзойнагини дастрўмол билан артиб, шоир дўстимизга деди: “Шоир укам, чўчиманг, сиз соппа-соғсиз. Касал шоирлар бошқалар”.

Бу гап шу атрофда турганларга яхшигина кулги бўлди. Мана, 60 йилдирки шу гап ҳеч эсимиздан чиқмайди. Демоқчиманки, семинар иштирокчилари бўлган ёш ёзувчи-шоирлар асарларида ҳам дард, ҳам шира бўлишини истайман.

Ёш ижодкорларга муваффақият тилайман.

**Носир ФОЗИЛОВ**

# ШЕЪРИЯТ ҲАМ НЕЪМАТ

Бундан икки-уч йил бурун Тошкент марказидаги кўркам Миллий боғимизда, ҳазрат Навоий ҳайкалининг чап қўлтиғида Адабиёт майдони туғилиб, у устоз Абдулла Қаҳҳор ҳайкали ва ушбу воқеага бағишланган тантанали мажлис билан очилган эди. Эрта ё индинига, бир хурсанд қилиб қўяй деб, у ерга рафиқамни ҳам олиб бордим. Ҳайкалга бироз тикилиб тургач, умр йўлдошим у томон бош ирғаб, деди:

— Сездингизми, Абдулла ака шу ерда ҳам шогирдларини ўйлабдилар, — ўриндиқни кенгроқ ўрнатиб, ёнларидан бир-икки шогирд сиғадиган жой олиб қўйибдилар.

Дарҳақиқат, устозларимиз адабиёт учун, унда яхши хизмат қила олиши мумкин бўлган ёшлар учун жой тугул, жонларини ҳам аяшмасди. 1947 йилдан Туроб Тўла, Асқад Мухтор каби инсонлар менга соябонлик қилишди. Ёш ёзувчиларнинг 1952 йил декабрида бўлиб ўтган республика анжуманида Абдулла Қаҳҳорнинг “Ирода” деган шеърим ҳақида айтган фикрлари мени “Адабиёт” деб аталгувчи серзаҳмат мамлакатнинг мутлоқ фуқаросига айлантирди-қўйди.

Сўнг устоз Миртемир ва яна бир қадам олға... Мен 1961 йил ёзида ўртачирчиқлик ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда у киши айтган қуйидаги сўзларни бир умр ёдда сақлаб келаман ва иложи бўлса ҳар адабий йиғинда такрорлашга ҳаракат қиламан: “Укажонларим, деган эдилар Миртемир домла, ҳали тиши чиқмаган гўдакка дастурхондаги неъматлардан олиб, чайнаб берсангиз, у маза қилганини кўриб, сиз ҳам яйраб кетасиз. Бордию ўшандай неъматларни катта кишига чайнаб берсангиз, унинг кўнгли ҳам, сизнинг кўнглингиз ҳам айниб кетади. Шеърият ҳам неъмат. Ўзбеклар эса дунёдаги етук халқлардан бири. Унга шоирона фикрни чайнаб бериш ноинсофлик бўлади. Ижодни, байроқ каби, халқимиз савиясида юксак тутмоғимиз даркор”.

Икки-уч йил ўрмон хўжалигида хизмат қилганим ҳисобга олинмаса, умримнинг асосий қисми Ёзувчилар уюшмаси, таҳририятлар, мажлис ва адабий муҳокамаларда ўтди. Ҳалиям, телефон жиринглаб, қайгадир отлана бошласам, рафиқам “Йўл бўлсин” деб қизиқади, мен эса “Қарз узгани” деб жавоб қиламан. Негаки, ўз вақтида улуғларга айтилмай, бўйнимда қарз бўлиб қолган миннатдорликни мана энди адабиёт остонасини босиб ўтаётган ука ва сингилларимга кўмак сифатида инъом этсам, устозлар руҳи хурсанд бўлар, деб ўйлайман. Эътиборга арзийдиган ёшлар эса оз эмас. Мана, уларнинг бири — Ирода Умарова “Шоир бўлиб келдим азим Тошканга” дегач, давом этади:

**Нимадан қўрқаман, дуолар қилиб,**
**Кузатиб қолганда ялпиз, жайронлар, —**
**Олис тоғларда ҳам кўнгил борлигин**
**Билдириб қўйгани келдим, ёронлар.**

Қаламимиз меҳнат кишисини камроқ куйлаётган кунларда берунийлик муаллима Мунаввара Қурбонбоеванинг пахтамиз ҳақидаги

**Миллатимнинг ҳилпираган туғисан,**
**Ўчоғимнинг милдираган чўғисан,**
**Қадринг фақат қимматинг-ла ўлчанмас,**
**Ўзбегимнинг шони, бору йўғисан.**
**Ўн икки ой манглайдаги маржоним,**
**Меҳнат ила юксалган тоғ-хирмоним, —**

каби сатрлари кўнгилга анчагина тасалли беради. Фақат мавзуи билан эмас, ҳаётга яқинлиги учун ҳам. Чунки ижоднинг ҳамма соҳаларида йўл кўрсатувчи, илҳом берувчи ва ниҳоят имтиҳон қилувчи бош омил, яъни доимий устозимиз Ҳаётнинг ўзидир.

Албатта турмуш мураккаб — ҳаёт узра қулоч отиш учун, унинг моҳиятини англаш, тушунганини эса тасвирлай олиш учун ижодкор инсоният яратган барча билимлардан хабардор бўлиши, ижтимоият ва сиёсатни ҳалол таҳлил эта олиши, турмушда эса маданий ва маънавий жиҳатдан элга намуна бўлиши зарур деб ўйлайман. Айни вақтда худди мана шу жараённинг ўзи ижоддир.

**Ҳусниддин ШАРИПОВ**

# УСТОЗИ АВВАЛГА ТАЪЗИМ

“Устоз — отангдай азиз”, “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”... Инсон ҳаётида устознинг ўрни хусусида ана шундай халқ ҳикматларидан ошириб бир сўз айтиш қийин. Инсон боласи бир эмас, ўнлаб устозлар таъсирида шахс, касб-кор эгаси бўлиб шаклланади. Халқ тилида устоз тўғрисида: “Устози аввал”, деган яна бир ҳикматли ибора ҳам бор. Устози аввал деганда мен шахснинг қарашида бурилиш ясайдиган, қисматида маёқ хизматини ўтайдиган улуғ зотлар, уларнинг пайду рағбатларини тушунаман.

Кўнгил майлимга кўра адабиётшунослик соҳасини танлаб Миллий университетнинг филология факултетида, сўнг аспирантурасида таълим олиб, илмий-ижодий зиёлилар даврасига яқинлашар эканман, тақдир мени бир қатор етук адабиётшунослар, моҳир сўз усталари билан танишиш, мулоқотда бўлиш, ҳатто яқин дўст-улфат тутиниш бахтига муяссар этди. Аввало, камина жасур инсон, беқиёс истеъдод соҳиби Озод Шарафиддиновга биринчи аспирант шогирд бўлганим, у билан устоз-шогирд сифатида салкам ярим аср ҳамкорлик қилганим билан фахрланаман. Айни шу устоз орқали мен Абдулла Қаҳҳордек улуғ аллома билан танишганман. Бу зот устозимнинг ҳам устози аввали эди. Бошқаларни асло камситмаган ҳолда мен ҳаётда дуч келган, яқиндан билган, ҳамсуҳбат бўлган адиблар ичида, шубҳасиз, энг ёрқин сиймо, беназир истеъдод соҳиби айни шу Абдулла ғаҳҳордир. Эл-юрт, миллат, миллий адабиёт манфаати, шаъни учун бу қадар ёниб яшаган бошқа бирор ижодкорни ўша пайтга қадар кўрган эмас эдим. Унинг шижоати, журъати республикамиздаги маънавий, адабий ҳаётга қанчалар кучли таъсир кўрсатгани, ўнлаб ижодий зиёлилар кўзини очгани, хусусан, ёш истеъдодлар кўнглига ўт солгани, мустабид ҳукмдорларни ҳушёр торттиргани — буларнинг барчасига унинг яқин кишилари қатори мен ҳам бевосита шоҳидман. Қаҳҳор ўшандай шижоати, ҳақ сўзи билан виждонли, чин истеъдод соҳибларини худди оҳанрабодек ўзига тортарди. Айниқса, Саид Аҳмад, Шуҳрат, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Умарбеков, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, адабиётшунос-мунаққидлардан О.Шарафиддинов, М.Қўшжоновлар иштирокидаги гурунгларда у ниҳоятда очилиб кетарди. Ўша кезлари тил теккизиш асло мумкин бўлмаган Маркс таълимотига оид танқидий гапларини, Фрейд, Ницше хусусидаги илиқ сўзларини устознинг оғзидан эшитиб лол қолганман.

«Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас», деган афоризмга айланиб кетган ҳикматни ҳали қоғозга туширишидан анча олдин унинг ўзидан эшитганман. Адабиётимизда пайдо бўлган ҳар бир асарни мутолаа қилганимда, у ҳақда ёзишга чоғланганимда шу ҳикмат ҳамиша ёдимда туради.

Абдулла Қаҳҳор билан Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Қўшжонов муносабатлари танқидчилигимиз тарихида янги саҳифа очган эди. Ҳар икки шогирд ҳам устоз ўгитига амал қилган ҳолда адабий жараёндаги янги тамойиллар, чин истеъдодларнинг кашшофи, ҳимоячиси сифатида майдонга чиқдилар; уларнинг мунаққид сифатидаги бахти, омади ана шунда. Устоз О.Шарафиддиновнинг сўнгги китоби «Ижодни англаш бахти», деб номлангани бежиз эмас.

Устозларнинг кўплаб издошлари қаторида камина ҳам айни шу йўлдан боришга ҳаракат қилдим. Бу борада мен адибларимиз билан тил топиш ниятида улар билан адабий суҳбатлар ўтказишга чоғландим. Салкам ярим аср давомида эълон этилган элликка яқин шундай ишларимдан 15 таси «Ижодкорнинг дахлсиз дунёси» номи остида ўтган йили китоб бўлиб чиқди. Адабий жамоатчилик уни хуш қабул қилди. Қарангки, бу жанрдаги илк тажриба ҳам аслида устоз Абдулла Қаҳҳор билан ўтказилган мўъжазгина суҳбатдан бошланган экан. Шу кунларда адабий суҳбатлар мажмуасининг иккинчи китоби устида ишлаётирман.

Ниҳоят, устози аввал кўнглимга солган бир савоб иш учун у зотдан беҳад миннатдорман. Куни кеча «O‘zbekiston» нашриётида “Қодирий мўъжизаси” номли китобим чиқди. Қодирийни англаш иштиёқи менга тинчлик бермасди... Кўп йиллик адабий-танқидий фаолиятим давомидаги энг машаққатли, айни пайтда, ғоят шарафли ва мароқли юмуш — Қодирийни англаш йўлидаги изланишларим, деб биламан...

Мана шу миннатдорлик туйғуларимни қоғозга туширар эканман, бугунги адабий-илмий жараёнда шогирдлар кўнглига ўт соладиган, ижодий тақдирида бурилиш ясай оладиган, буюк ишларга илҳомлантирадиган чин маънодаги бош ҳарф билан ёзишга лойиқ Устози аввалар борми, деган савол мени ўйга толдиради.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳозирги давр бизнинг авлод шаклланган ўтган асрнинг 60-йилларидан тубдан фарқ қилади. Бугунги адабиёт, адабий-илмий авлод олдида турган вазифалар ҳам ўзгача.

Тан олиб айтиш керакки, бугунги ёш авлодга яратилаётган имкониятларни биз уларнинг ёшида фақат орзу қилардик, холос. Навқирон ижодкорлар Истиқлол берган ижод эркинлигидан тўла-тўкис баҳраманд бўлиб, ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта асарлар, тадқиқотлар яратиб, адабиётимиз обрўсига обрў қўшишлари лозим. Эрта-индин иш бошлайдиган ёш ижодкорлар анжуманидан эса, умидимиз катта. Чунки ана шундай тадбирларда ёрқин истеъдодлар кашф этилади, ёшлар кўпни кўрган устозларнинг қимматли йўл-йўриқларидан, ижодий маслаҳатларидан баҳраманд бўлишади.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонлаш тараддуди бошланиб кетган, мустақил мамлакатимиз ўз тараққиётининг тубдан янги босқичига қадам қўяётган, жумладан, баркамол авлод орзусини рўёбга чиқариш кун тартибида турган шу қутлуғ паллада адабий-илмий ҳаётда устоз-шогирд анъанаси ҳар қачонгидан кўра ҳам жиддийроқ аҳамият касб этаётир. Янги авлод қалбига йўл топа оладиган, уларни улуғ ишларга йўналтирадиган устоз, бинобарин, устози аввал мақомига кўтарилиш эса осон эмас.

**Умарали НОРМАТОВ**

*Ҳикоя*

# Райҳон

Куз оёқлаган эса-да, табиат ҳали ҳам очилмаган қирраларини намоён этишда давом этмоқда. Олис ўлкаларга йўл олаётган қушлар парвозида андак ҳазинлик сезилади. Сарғайган япроқларнинг бир маромда тўкилиши эзгин бир кайфият уйғотади кишида. Мактабимиз ҳовлиси теграсида саф тортган адл тераклар новдаларида эса бирорта ҳам барг қолмаган. Бу манзарани дераза орқали кузатаман, маъюс хаёлларга бериламан.

Инсон маъюс тортганда ёки бошига ташвиш тушганида ўзига яқин сирдош ахтариб қолади. Бундай кезларда ёшнинг аҳамияти буткул йўқолади. Ҳозир мен шуни ҳис қилдим. Дарсда ўтиролмадим. Нимагадир юрагим тошиқиб кетаверди. Синф раҳбаримдан жавоб сўрадим-да, тўғри бувимникига йўл олдим. Бувим оғир бетоб бўлиб, тузалишларига умид йўқ ҳисоби эди. Буни бувимдан бошқа ҳаммамиз билардик. Бувимни ҳам билмайди деб бўлмасди. Негаки, аҳён-аҳёнда йиғлаб ўтирганини кўрганман. Лекин олдига бориб, кўнгил сўрашга негадир журъат қилолмаганман. Балки бувимни аягандирман. Аммо унинг ҳаёт шамлари кундан-кунга сўниб бораётганини ич-ичимдан ҳис этардим. Шундан сиқилиб, ёлғиз қолган пайтларимда йиғлашга тушардим. Кўз ёшидан бирор наф чиқмаслигин билсам-да, барибир ўзимни тўхтата олмас эдим.

Отам бош фарзанд бўлганлари учун биз ҳовли-жой қилиб кўчиб чиққандик. Бувим кичик амаким билан бирга яшарди. Кўчиб чиққанимизга бир йилдан ошган бўлса-да, янги уйга кўникишим қийин кечаётган, умрим бувимнинг ёнида ўтарди.

Бувим ҳар кўкламда ҳовлини айлантириб райҳон эктирар, жўякларни хато олсак, беозоргина койиб қўяр, қўлимиздан кетмончани олиб, ўзи ишга тушиб кетарди...

Шуларни ўйлаб, бувимнинг уйига қандай етиб борганимни сезмай қолибман. Дарвозадан киришим билан димоғимга хушбўй урилди. Ҳа, бу райҳон иси! Кеч куз бўлса-да, райҳон барглари бутунлай сарғаймаган, ҳовлига жозиба бахш этиб турибди.

Қизиқ бувим нега кўринмайди? Райҳонлар орасида ҳассасини дўқиллатиб, девор суяб сайр қиларди-ку шу маҳаллар. Бўғзимга ингроқ тиқилди. Нега қўрқаяпман? Ё уйда дам олиб ўтирганмикан? Бунча юрагим титрамаса? Айвонга чиқдим. Келинойим, амаким, сингилларим чой ичиб ўтиришибди. Негадир шу тобда улар билан гаплашгим келмади, ёки бувим ҳақида нохуш бир гап эшитиб қолишдан чўчидимми...

Бувимнинг хонасига кирдим. Уй тўридаги кароватда бувим кўзлари юмуқ ҳолда ётарди. Юрагим бир шув этди ўз-ўзидан. Кўзларимга илиниб турган ёш аччиқ зардобга айланди. Вужудимда аллақандай туманли бўшлиқ пайдо бўлди. Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Ўзимни қўлга олиб, бувимнинг ёнига бориб чўкдим.

— Бувижон! Буви, ухлаяпсизми? Сочингизга райҳон тақиб олибсизми? Қаранг, бутун уйни райҳон иси тутиб кетибди-я!

Энди зардоб ўрнини илтижоли йиғи эгаллади. Бувимнинг қўлларини ушлаб кўраман, жуда иссиқ. Ширин илинж билан кўксига бошимни қўйиб эшитаман. Дук-дук... Йўқ, йўқ! Ростдан ҳам “дук-дук” овози. Бу сўзни ўзим билмаган ҳолда овоз чиқариб айтиб юборибман. Ўзимга келиб қарасам, бувим мунгли кўзларидан меҳр таралиб, мамнун жилмайиб турибди.

— Бувимдан айрилиб қолдим, деб ўйладингми, лапарчи қизим, — деди тетикланиб. Бувим зерикиб қолган пайтларида (бувим-ку, зерикмасди, аслида менинг ўйнагани бирор машғулотим қолмаса), узун кўйлак кийиб олиб, ўзимча нималардир тўқиб айтар, авжим келса рақсга ҳам тушиб берардим. Тўқиганларимда бирор мазмун, қофия бўлмаса ҳам, бувим маза қилиб эшитаётгандай бир маромда тебраниб, чапак чалиб ўтирар, қўни-қўшниларга мени “лапарчи қизим” деб мақтарди.

Бувимни маҳкам қучоқлаганча, анча вақтгача туриб қолибман. “Бугун мени қўйиб юбормайсанми дейман, лапарчи қиз”, деб бошимни силаб қўйди.

— Сенга бир гапим бор, — деди кейин. Юрагим титраб кетди. Ич-ичимдан “Сиз ўлмайсиз, бувижон, сиз яшайсиз!” деган нидо кучайиб келар, аммо сиртимга чиқаришга нимадир монеълик қиларди.

— Қизим, — давом этди бувим синиқ оҳангда, — мен ўтганимдан сўнг ҳам мана шу ҳовлида райҳонларнинг ўрни бўшаб қолмасин. Келинойингни биласан, ишидан ортмайди, сингилларинг ҳали кичкина, — деб елкамга қоқиб қўйди.

Ўша куни бувимнинг ёнида қолдим. Туни билан бувимга шифо тилаб, ухламай чиқдим. Тонгга яқин барибир ухлаб қолибман. Уйғонсам, бувим айвонда ўтирибди. Чеккасига митти баргли бир тутамгина райҳон қистирилган. Юзимни апил-тапил ювиб, айвонга кўтарилдим. “Мактабдан ҳам қолиб кетдинг, уйқучи қиз”, деб койиган бўлди бувим. Менинг юзимга табассум югурди, гўёки бувимнинг койишларида ҳаётга бўлган муҳаббат жилоланиб тургандай. Бундай койишлар ҳам мен учун катта бахт эди. “Тавба, мен тоғдан келсам, бу боғдан келади-я, қани, тезроқ уйингга бор, онанг ҳам хавотир олиб ўтиргандир. Тўғри уйингга бор”.

Сумкамни олдим-да, райҳон ифорига кўмилган ҳовлидан чиқдим. Уйимизга қандай етиб борганимни билмайман. Кўз олдимдан бувимнинг бироз тўла қизғиш юзи, ярашиб турган оппоқ сочлари, чеккасига қистирилган райҳон бир зумга ҳам кетмади. Орадан уч кун ўтиб, бувимни бериб қўйдик...

Шунга ҳам мана бир йилдан ошди. Бир куни саҳарда тушимга бувим кирибди. Сочларида ҳам, қўлларида ҳам, юрган йўлларида ҳам райҳон. Тушимни онамга айтиб бердим. “Райҳон — жаннат гули, бувинг жаннатда юрибдилар, иншаоллоҳ, қизим”, деб жавоб берди онам.

Бувимни эсласам, ширин хотиралар мени тарк этмайди, тарк этгиси келмайди. Шунда соғиниб-соғиниб, бувимга атаб райҳонлар эка бошлайман.

**Муаттар БАРАТОВА**

*Самарқанд*

**Абдуманноб МАНСУРОВ**

## ҚИШЛОҚ

**Туман кўтарилди тонг боғларидан,**
**Осмон тандирига қуёш ўт ёқар.**
**Боғ оралаб ўтган ариқда чаман,**
**Сувда ол ёноқли олмалар оқар.**

**Туйғулар кўнгилни наққошдек ўяр,**
**Тутзорга етаклаб кетади хаёл.**
**Саҳарлаб ҳовлини супуриб қўяр**
**Онамнинг кўринмас келини — шамол.**

**Шомда шафақ қолар далада тунаб,**
**Қайноқ юракларда қайноқ тилаклар.**
**Оппоқ гулларидан боладек қувнаб,**
**Варрак учиради кўҳна тераклар.**

**Боларилар йиға олмас ҳушини,**
**Боғнинг саҳнасида қушлар най чалар.**
**Шаббодага айтар оппоқ тушини**
**Киприклари ивиб кетган майсалар.**

**Айвон, баҳор дўппи тикиб ўтирар,**
**Игнага қадалган яшил қароғи.**
**Қадоқ қўлларида қаддин кўтарар**
**Отамнинг отамдек кекса ўроғи.**

**Улғайиб боради кун сайин япроқ,**
**Тўлишиб боради меҳридан бошоқ.**
**Худди пиёладан чой ичган каби**
**Деҳқоннинг кафтидан сув ичар қишлоқ.**

## ВАТАН ҲАЙРАТЛАРИ

**Юртим тупроғини ўпиб бир нафас,**
**Басавлат тоғлардек кўкрак кераман.**
**Ватан не деб сўранг мендан, ашъормас,**
**Аввал чап кўксимни тутиб бераман.**

**Қайноқ юрагидек тандири қайноқ,**
**Дастурхонда гуллар ширмой нонлари.**
**Ҳатто пешонада терлари ҳам оқ,**
**Ҳуснидан туғилган гул-райҳонлари.**

**Ҳалол меҳнатидан кўнгил хушлатиб,**
**Деҳқон чаноқлардан оппоқ бахт терар.**
**Юрагим қўлимга қалам ушлатиб,**
**Ватан, ҳисларимга исминг дарс берар.**

**Ҳар лаҳза ҳис этдим тинчлик нафасин,**
**Юрагимга эркдан ҳаяжон тўлса.**
**Нечун тупроғини Ватан демасин,**
**Инсон шу тупроқдан яралган бўлса.**

**Юрагим қўлига қалам ушлатиб,**
**Ватан, ҳисларимга исминг дарс берар.**

*Фарғона*



Насибали МАМБЕТИРЗАЕВА,
Зулфия мукофоти совриндори

## ОНА ТИЛИМГА

**Онамнинг оқ сутию алласидек тенгсизсан,**
**Қаҳрлансанг заҳарсан, севсанг тотли бол сўзсан,**
**Кундузи қуёшимсан, тунда йўлчи юлдузсан,**
**Тўти эмас, булбулман, бордир менинг ўз гулим,**
**Чаманзор боғ ичинда сулув гул она тилим.**

**Ватанимни севаман — қасамимсан, аҳдимсан,**
**Ҳаётдаги йўлдошим, борлиғимсан, бахтимсан,**
**Навоийсан, Бердақсан — шеъриятда тахтимсан,**
**Тўти эмас, булбулман, бордир менинг ўз гулим,**
**Чаманзор боғ ичинда сулув гул она тилим.**

**Муқаддас Мадҳиямсан, жаҳон бўйлаб янградинг,**
**Сен туфайли ўзимни, ўзлигимни англадим,**
**Камолотга элтувчи буюк йўлни танладим,**
**Тўти эмас, булбулман, бордир менинг ўз гулим,**
**Чаманзор боғ ичинда сулув гул она тилим.**

## БЎЛАРМИ?

**Ўзингни кўрдим мен — дунёни кўрдим,**
**Ҳаёт ҳам шунчалар гўзал бўлармии?**
**Муҳаббат дардида ўртандим, куйдим,**
**Кўнгилда очилган гуллар сўлармии?**

**Юракни кўчирдим оппоқ қоғозга,**
**Ўқиган ошиқлар дилдош бўлармии?**
**Бахт излаб отландим узоқ сафарга,**
**Севимли ёр менга йўлдош бўлармии?**

**Ишқ — олов, сен қайда, парвона қайда,**
**Ҳижрон азобида уйқу бўлармии?**
**Тоғларга чиқмасанг дўлана қайда,**
**Ошиққа жон деган қайғу бўлармии?**

**Ой каби ром этиб гўзал бир хаёл,**
**Келдим, келмасликка юрак қўярмии?**
**Кўнглинг эшигини очиб кутиб ол,**
**Меҳмонни ранжитмоқ одоб бўлармии?**

*Қорақалпоғистон*

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламлари кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд. Сайт: www.pochta.uz ; e-mail: oao@post.uz

# УЛУҒ МУСАВВИРГА ЭҲТИРОМ

**Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров асарлари альбоми Москвада чоп этилди. Рассом асарлари жамланган альбомни яратишда галереячи Илдар Галеев хизматини алоҳида эътироф этиш керак. Альбом "Устоз" деб номланган кириш сўзи билан бошланади. Альбомдаги Чингиз Аҳмаров ҳаёти ва ижоди мукаммал тадқиқ қилинган илмий мақола бўлиб, профессор Нигора Аҳмедова устознинг биз билган-билмаган сифатларини бир-бир очиб, таништириб боради.**

Эътироф

Муаллиф шарқда устознинг отадек улуғ эканлиги, Чингиз Аҳмаровнинг кўплаб шогирдларга кўрсатган ғамхўрлиги, унинг ортидан эргашган бутун бир авлод рассомларига ишора қилиб, мақолани бежиз шундай номламаганини таъкидлаб ўтади: "Ўзбекистонликлар Чингиз Аҳмаров ҳақида сўзлаётиб, уни шубҳасиз, улуғ рассом, деб атайдилар. Чингиз Аҳмаров XX асрнинг катаклизмлари аро собиқ совет догмаларига бўйсунмасдан, жасорат билан ўзига хос услубда ижод қила олган рассомдир".

Чингиз Аҳмаров ўзининг шарқона, ҳайратомуз поэтик руҳдаги бетакрор деворий рангтасвирлари, паннолари ва портретларини фақат унгагина хос назокатли услуб билан яратди. "Инглизларнинг кўпчилиги ҳамон совет даври санъатини мушаклари ўйнаб турган колхозчилар ва елкадор тракторчилар образидан иборат, деб ўйлашади. Улар ҳали сизникидай дилбар, лирик ва шоирона руҳда яратилган асарлар ҳам борлигини билмайдилар", деб ёзган эди чет эллик танқидчиларидан бири рассомга. Зеро, атеизм ва кирилл ҳарфлари ҳукмронлик қилган бир пайтда фақат Чингиз Аҳмаровгина деворий рангтасвирлари, панно ва рангтасвир асарларига араб имлосида безакли ёзувлар ёзарди. Булар ўрта асрлар поэтик мероси ва диний манбалардан келтирилган сатрлар бўлиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодисага айланар, яъни рассомнинг имзоси бўлиб қоларди.

"Алишер Навоий номли опера ва балет театри фойелари деворларидаги устоз Чингиз Аҳмаров қилқаламига мансуб дилбар, нозик, нафис асарларни кўрганда сўзсиз ҳайратланамиз. Чунки бу ранглар шарқ шеъриятидек сокин, сирли, сеҳрли, ўзбекона-миллийдир. Аммо устоз Чингиз Аҳмаров ушбу асарларни яратгани учун Қолим ёки Сибир совуқларида дарахт кесишга жўнатилишига оз қолганини ҳаммамиз ҳам билавермасак керак, — дейди альбомдаги хатлар ва чоп этилмаган асарларни йиғишда муаллифларга кўмаклашган профессор рассом Содиқ Раҳмонов. — Собиқ иттифоқнинг кўп шаҳарлари, концерт заллари улкан бинолари деворларида босган қадамида ер гурсиллайдиган, девсифат эркак-аёллар тасвири санъат ҳисобланиб келинган ярим аср давомида Ўзбекистонда бундай қўпол шакл тарқалмаганининг сабаби ҳам, аввало, маҳобатли тасвирда Чингиз Аҳмаров асос солган назокатли услубдир".

Олима мақоласига устознинг ўзига берган ва ҳаётининг асосига айланиб кетган қуйидаги саволни эпиграф қилиб олади: ,,Тонг пайти уйқудан туриб, ғафлатда ётган танимни поклайдиган шаффоф сув сингари қалбни ва руҳиятни поклайдиган санъат ярата олдимми?". Н.Аҳмедова рассом ҳаётидаги эътиборга лойиқ воқеаларни чуқур илмий таҳлил билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилади.

Чингиз Аҳмаров 1912 йили Абдураҳмон ҳожи Аҳмаров оиласида дунёга келган. Отаси зиёли инсон бўлиб, жадидлар мактаби ташкилотчиларидан эди. 1927 йили кутилмаганда кўп нарса ўзгариб кетади. Абдураҳмон ҳожи оиласи Уралдан кўчиб келади. 1931 йили ўн саккиз ёшли рассом авангардчилар учун Париж, классицизм издошлари учун Рим қандай аҳамият касб этган бўлса, ўзи учун шундай қисматга айланган Самарқанд шаҳрига келади. Кейинчалик бу ҳақда рассом шундай ёзади: ,,Буюк Гўри Амир мақбараси олдида қадамларим ўз-ўзидан секинлашади. Мен худди жодулангандай қотиб қоламан, сўнг саёҳатимнинг асосий мақсади – мақбара ичкарисига, отасини қаттиқ соғинган бола унинг бўйнига қандай осилса, шундай талпинаман. Бу гўзаллик олами билан бошқа ҳеч бир санъат тури беллашолмайди. Мени бетакрор ҳайратга соладиган бу оламнинг бири-бирида нозик чизиқлари, ранглар жилосининг чексизлигини бошқа санъат турларига таққослаш мумкин эмас. Ўрта асрлар руҳини ўзида мужассам қилган бу ғайри оддий гўзалликка бўлган ҳайратим ва муҳаббатимни сўз билан ифодалай олмайман".


Алишер Навоий шогирдлари даврасида.

Олима рассомнинг ижод йўли бир текис ва осон бўлмагани хусусида ҳам алоҳида тўхталади. Табиатан камтар ва камсуқум Чингиз Аҳмаровнинг ўз мақсадига интилишидаги кучли иродаси кишини ҳайратга солади. "Гўзаллик йўлида" деб атаган эди рассом ўз ҳаёт йўли тасвирланган хотиралар китобини. Айнан гўзалликка интилаётган ижодкор бу мураккаб йўлда бирор марта ишончини йўқотмади ва заррача ҳам иккиланмади.

Чингиз Аҳмаров жуда машҳур рассом эди. Унинг асарлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ҳамда Москва, Красноярск, Қозон ва Сочидаги кўплаб муҳташам биноларни безаб турибди. Олима бу ҳақда сўзлар экан, унинг илк деворий суратини мисол қилиб келтиради. Рассом ўзининг илк деворий рангтасвир асарларини Тошкентдаги опера ва балет театри (ҳозирги Алишер Навоий номидаги катта академик театри) фойесига ишлайди. Булар Алишер Навоий "Хамса"сининг "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр" ва "Садди Искандарий" асарлари бўлиб, уларни рассом яратишда замондош йигит-қизларга қараб ишланган эскизлардан фойдаланади. Диққат билан қаралса, бу расмларда ўзбек тасвирий санъатининг улкан намояндалари Раҳим Аҳмедов, Неъмат Қўзибоев ва кўплаб таниқли раққосаларнинг ёшликдаги қиёфаларини кўришимиз мумкин. Чингиз Аҳмаров, айниқса, севимли рафиқаси Шамсирўй Ҳасанова қиёфасини Ширин образига алоҳида меҳр билан кўчиради. Аммо рассомнинг бу деворий композициялари қаттиқ танқидга учрайди. Шундан сўнг узоқ йиллар рассомга деворий сурат ишлаш имконияти берилмайди.

Нигора Аҳмедова Чингиз аканинг инсоний сифатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг шогирдларига кўрсатган беминнат ёрдами, устоз рассом сифатида ўзбек тасвирий санъати шаклланишидаги ўрни ҳам батафсил ёритилган.

Олима ўз мақоласини: ,,Вақт мезони Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ижодининг нақадар улканлигини таъкидламоқда. Аҳмаров ижоди бизни реал ҳаётдан узоқлаштириб, дилбар поэзия дунёсига, гармонияга ва олий ҳақиқатларга етаклайди. Аҳмаров дунёси сирли-синоатли ва гўзалдир. Бу гўзал дунё унинг нозик фикрларга, туйғуларга, яхшиликларга тўла поэтик қалбида туғилган. Ва у ўзининг шу гўзал дунёсига умрининг сўнгги нафасигача содиқ қолди. Биз у яратган умрбоқий, мафтункор асарлар дунёсига боқар эканмиз, Устоз қалбимизда мудом ҳаёт эканлигини ҳис қиламиз", дея якунлайди.

**Гулнора РАҲМОН,**
**рассом**

Кўргазма залларида

# РАНГЛАР ҚЎШИҒИ

"Сарой Мулк хоним" портрети. Маликанинг эгнида қизил камзул, зангори кўйлак. Бошида оқ рўмол. Айтишларича, малика узун рўмолни яхши кўрар, ҳатто рўмоли орқасидан жориялари кўтариб юришар экан. Бошидаги чўзинчоқ, узун тиллақошга гавҳар бирла султон қадалган. Бўйнида олтин тақинчоқлар, кўкрагида зеби гардон. Ўнг қўлида мактуб. Ёнида дарахт, гуллар. Осмонда сийрак булутлар аро ҳилол сузмоқда. Узоқда миноралар, гумбазлар.

Сарой Мулк хоним Соҳибқирондан келган мактубни ўқиб ўтирибди. Узун сочлари қирқ кокил қилиб ўрилган. Мана шу деталларнинг барчасида Сарой Мулк хонимнинг характери, сурати ва сийрати акс этган. У ўз замонасининг доно ва тадбиркор, ақл-заковатли маликаси бўлган. Ҳусну латофатда ҳам беназир. Моҳир сиёсатдон, инсонпарвар, саховатли малика салтанатни бошқаришда ҳам фаол иштирок этган. Мадраса қурган, илм толибларига ҳомийлик қилган.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқовнинг Миллий санъат марказида намойиш этилаётган шахсий кўргазмасидан жой олган ушбу портретини томоша қилганда малика Сарой Мулк хоним яшаган давр манзаралари ҳам кўз олдингизда жонланади.

Мусаввирнинг мазкур асари ёнида соҳибқирон Амир Темурнинг келини, Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим портрети ҳам бор. Тарихий асарларда ёзилишича, Гавҳаршодбегим ақл-идрокли, зийрак ва тадбиркор бўлган. У 1405 йилдан сўнг аста-секин салтанат ишларига ҳам аралаша бошлаган... Ортиқали Қозоқов Гавҳаршодбегим сиймосини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг "Она лочин видоси" романи асосида ишлаганини айтади. У малика сиймосини тасвирлашда ўзбек аёлларининг умумлашма қиёфасидан кенг фойдаланган.

О.Қозоқовнинг "Онам портрети", "Отам портрети" асарлари ҳам портрет жанрида яратилган. Уларда фаровон оила, меҳрибон она ва ота сиймолари акс этиб турибди.

Мусаввирнинг мўйқалам устаси сифатидаги маҳорати унинг авангард йўналишдаги асарларида, шунингдек тарихий мавзудаги, пейзаж, натюрморт, портрет жанрларидаги ранг-баранг суратларида намоён бўлади. Оппоқ деворга илинган қатор рангтасвир асарлари кузнинг очиқ осмонида саф тортиб бораётган турналарга менгзайди. "Қаср маликаси", "Қалб мезбони", "Келин", "Кўнгил саройи", "Кўрмана"да миллий қадриятлар, гўзал урф-одатларимиз оқ, қизил, пушти, зангори бўёқлар орқали тасвирланган. Асарларнинг бош қаҳрамони аёл — она, келинчак, ўсмир қизалоқлар.

"Нима учун аёллар расмини кўп чизасиз?", сўрайман мусаввирдан.

— Аёл сиймосида миллий қадриятларимиз мужассам. Ахир Ватанни ҳам она, тилимизни ҳам она, табиатни ҳам она деб атаймиз-ку, — дейди у. — Мен аёл тимсолида Ватанимизни, халқимизни, гўзал табиатимизни, севги, муҳаббат, эрк ва озодликниараннум этишга интиламан. XXI аср тасвирий санъатида аёл тимсоли етакчи ўринда туради. Ижодкор учун бу мавзу ҳамиша абадий бўлиб қолади.

— Кўргазмага қўйилган асарларингиз ичидан қайси бирини кўпроқ яхши кўрасиз?

— "Келинчак" асарини яхши кўраман...

— Нима учун?

— Чунки бу асар ижодимнинг бурилиш даврини бошлаб берган. У 1995 йилда чизилган. Қизил-мовий ранглар мутаносиб қўлланган. Миллий мазмун ва халқона оҳангни замонавий услубда куйлашга ҳаракат қилганман.

Мусаввир гул ва аёл образларига қайта-қайта мурожаат этади. "Гул ичра" деб номланган рангтасвир асарида гуллар ўртасидаги қиз тасвирланган. Қизнинг ўзи ҳам гулга айланиб кетган. Бир тимсол бошқа бир асарда янада жозибалироқ, янада мукаммалроқ ифодаланаверади.

Маълумки, тасвирий санъатда бўёқлар иссиқ ва совуқ рангларга бўлинади. Қизил, қизғиш, сариқ ранглар иссиқ, яшил, кўк, бинафша совуқ ранглар ҳисобланади. Совуқ ранглар томошабинга узоқ, иссиқ ранглар яқин бўлиб туюлади. Шунинг учун қадимги мусаввирлар асарларида пейзаж масофалари уч қатламда тасвирланган: яқин, олд қатлам — жигарранг, ўрта қатлам — яшил, орқадаги узоқ қатлам — кўк рангларда берилган.

"Фусункор лаҳзалар"да анорнинг қип-қизил гуллари ям-яшил осмон фонида янада ёрқинроқ, янада бўртиброқ кўринади. Анор гуллари — қип-қизил, осмон — ям-яшил. Анор новдаларида эндигина ёнғоқдек бўлиб туккан анор мевалари. Бутоқларга бир жуфт қуш қўнган. Боғ гуллаб-яшнаб ётибди. Суратни кўриб "Тинч элнинг боғи гуллар" деган нақл эсимга тушди.

Мусаввирнинг яна бошқа бир неча асарларида ҳам анор тасвирланган. "Ёрилган анор", "Пишган анор", "Пишмаган анор". Бу асарларида анорларнинг ёрилган пўстлоғи одамнинг кўзларига ўхшатиб чизилган, анор донаси эса кўз гавҳаридек порлаб турибди. Дарахтлар, гуллар, мевалар бизнинг ҳам одамдек жонимиз бор, деб гапираётгандек. Муаллиф табиат тасвири орқали инсон ҳаёти, қисмати, орзу умидларини ифодалашга ҳаракат қилади. Шу ўринда Увайсийнинг "Бу на гумбаздир" чистони, Шавкат Раҳмоннинг "Ернинг қонга бўялган муштисан, анор" сатри эсга тушади.


«Шоира ва мусаввир»

Мевалар, гуллар, идиш-товоқлар, турли буюмлар тасвири — натюрморт. Натюрмортда тасвирланган нарсалар уларнинг эгаси ҳақида ҳам «сўзлайди». Унда одам кўринмас ҳолатда иштирок этади. У натюрмортда тасвирлаган стол ёнидан ҳозиргина чиқиб кетган-у, ҳадемай яна қайтиб келадигандек туюлади. Натюрмортнинг бошқа турида эса тасвирланган нарсалар фақат ўзи ҳақида «сўзлайди». Мевалар томошабинга ўзини кўз-кўз қилиб, гўзаллигини, рангини, ҳидини, таъмини намоён этаётгандек бўлади. Натюрморт одамнинг диди, сезгиси, дунёни англаш қобилияти ва атроф-муҳитга, табиатга муносабатини намоён этади. Ортиқали Қозоқовнинг "Байрамона натюрморт", "Замин неъматлари", "Шарқона натюрморт", "Ёз неъматлари" натюрмортлари ана шундай асарлар сирасига киради. "Ёз неъматлари" асарида юртимизда пишиб етилган мевалар тасвирланган. Мевалар ёнидаги обиноввот сап-сариқ пишган. Димоғингизга қовуннинг хушбўй ҳиди урилгандек бўлади. Унинг ширин таъмини сезасиз.

Ана шундай ҳайрату ҳаяжон, завқу шавқ уйғотувчи, юртимизнинг бетакрор гўзаллигини тараннум этувчи асарлар томошабиннинг эстетик дидини шакллантирибгина қолмай, мусаввирнинг ўзига хос олами, ранглар қўшиғини ҳис этишга ҳам ундайди.

**Рустам МУСУРМОН**

2010 йил — Баркамол авлод йили

# ОДАМ БЎЛИШ ҚИЙИН(МИ?)...

## Спектаклдан кейинги ўйлар

Таниқли ёзувчи ва драматург Ўлмас Умарбеков ҳар бир асарида, у қайси жанрда бўлишидан қатъи назар, инсонни улуғлаш, унинг табиати, қалби, руҳиятини таҳлил этишда моҳир адиб эди.

Республика Сатира театрида ёзувчининг "Одам бўлиш қийин" асари асосида саҳналаштирилган спектакл ҳам шу жиҳатдан томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Хўш, қирқ йил аввал ёзилган "Одам бўлиш қийин" романи қайси жиҳатлари билан бугунги театр ижодкорларини ўзига ром этди? Бу ҳақда инценировка муаллифи, ёзувчи ва журналист Эркин Усмонов шундай дейди: "Халқимиз орасида "Одам боши — тегирмон тоши" деган нақл бор. Лекин инсон ҳаётда адашмасдан, имон-эътиқодини йўқотмасдан, Оллоҳ инъом этган қисқа умрда шундай яшасинки, охирида "Мен одам бўлиб туғилдим ва одам бўлиб, дунёни тарк этяпман", десин. Шу ғоядан келиб чиқиб ёзувчининг меҳрибонлик, ҳамдардликни сақлаган ҳолда одамийликни излаш керак, деган фикрини ифодалашга ҳаракат қилдик. Бу саҳна асари ёшлар учун мўлжалланган. Ўйлаймизки, ҳар бир томошабин спектаклдан ўзига керакли хулосаларни чиқариб олади".

Саҳналаштирувчи режиссёр Ҳабибулло Файзиев қуйидаги оддий, аммо ўта ҳаётий сатрларни қўшиқ-эпиграф сифатида спектакл давомида вақти-вақти билан такрорлаб туради:

**Шон-шуҳратга ботган билан**
**Одам бўлиш қийин экан.**
**Олим бўлган билан**
**Одам бўлиш қийин экан.**

Айнан шу сўзлар бутун спектаклнинг фалсафий юкини ўзида мужассам этади. Асар бошида бепоён осмонда қанот қоқиб учиб бораётган оппоқ турналар манзараси томошабин қалбига умид ва ишонч туйғуларини улашади. Тўғри, саҳнада кучли қарама-қаршиликлар, қаҳрамонларнинг жиддий тўқнашувлари, баҳс ва тортишувлар учрамайди. Бироқ асар қаҳрамонларининг ички олами ва табиатига аста-секин кириб, сўзсиз мулоқот қилар эканмиз, уларнинг орзу-ниятлари, дард-ташвишларига шерик бўла борамиз.



Бош қаҳрамон Гулчеҳра ўрта мактабни тугатиб, меъмор бўлишга аҳд қилган. Лекин уй, оила шароити бунга йўл қўймайди. Шунинг учун у қаровсиз қолиб кетган ўз қишлоғини обод қилишни, замонавий ва кўркам турар-жойлар, бинолар, равон кўчалар қуришни орзу қилади. Шу мақсадда бўлажак янги қишлоқнинг лойиҳаси устида иш олиб боради.

Ёш актриса Дилафруз Мамешова ижросидаги Гулчеҳрани томошабин бир кўришдаёқ ёқтириб қолади. Гулчеҳра дунёқараши, тафаккури, ҳамюртларига муҳаббати билан ажралиб туради. Актриса саҳнада рол ўйнамайди, балки қаҳрамон билан бирга яшаб, бирга нафас олади.

Асарнинг асосий мазмун-моҳияти спектаклнинг иккинчи қаҳрамони — шаҳардан Мингбулоқ қишлоғига бувисини кўргани келган Абдулла билан боғлиқ. Абдулла (Ориф Ражабқулов) ҳам ўрта мактабни тугатиб, институтга кириш орзусида. Ўқишга Париж ёки Лондонга, хуллас чет элга бормоқчи. Аммо Гулчеҳрани қаттиқ севиб қолади.

Спектакл тугуни Гулчеҳра билан Абдулланинг сўнгги учрашувидан икки-уч ой ўтгач бошланади. Гулчеҳра — ҳомиладор. Абдулла Лондонда ўқияпти. Қиз мактуб орқали бу ҳолни йигитга маълум қилади. Лекин Абдулла ҳомилани йўқотиш кераклигини айтади, чунки у ўзи билан бирга чет элда ўқиётган бойвачча қиз Сайёрага илакишиб қолганди. Гулчеҳра учун эса изтиробли кунлар бошланди. Актриса қаҳрамони руҳиятида кечаётган айни ҳолатни ишончли тарзда томошабинга етказиб бера олган. Шу нуқтада саҳна асарининг психологик драматизми намоён бўлади.



Саҳнада кичик образлар яратган кўплаб актёрлар ижросида ҳам ўзига хос драматик юк мавжуд. Айниқса, истеъдодли актёр Аҳрор Шарипов талқинидаги Самад вазминлиги билан эътибор қозонади. Ёшлигидан Гулчеҳрага кўнгил қўйган ва муҳаббатини изҳор этишга ийманиб юрган Самад қора булутлар орасида қолиб кетган Гулчеҳрани қоронғулик — бўшлиқдан тортиб олиб, унга уйланади. У ўзининг чуқур ҳис-туйғуларини кўз қараши ва ҳаракатлари орқали ифода этади. Унинг қаҳрамони фақат қалбига бўйсунади. Самад ва Гулчеҳранинг сўнгги диалогларида севгига ҳурмат, инсонийлик фазилатларини йўқотмаслик, ўз юрти, туғилган қишлоғини асраб-авайлаш, уни обод ўлкага айлантириш зарурати намоён бўлади.

Икки соатга яқин вақт давом этган спектакл сюжет изчиллиги орқали томошабинни ягона темпо-ритмда тутиб туради. Актёрларнинг ижро маҳорати, замонавий театр услубига асосланиши бунга шароит яратган, деб ўйлаймиз.

Асар ғоясининг тўлиқ очилиши ва томоша муваффақиятида сценограф-рассом Шокир Ўрмоновнинг хизматини алоҳида таъкидлаш зарур. Рассом декорацияни ихчам ва ортиқча жиҳозларсиз яратган. Спектаклнинг мусиқий безаги тажрибали овоз режиссёри Собир Содиқов танлаган куй-қўшиқлар орқали намоён бўлиб, асарнинг маънавий ва фалсафий талқинини давом эттиради.

Спектаклда айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Бу, биринчи навбатда, актёрларнинг саҳна нутқи, сўз талаффузида сезилади. Актёр-қаҳрамонларнинг монолог ва диалогларида сўзлар бизга бир бутун бадиий-саҳнавий оқим сифатида етиб келмайди ва бизни тўлқинлантирмайди. Шунингдек, чироқ устаси изланишида ҳам камчиликлар борлиги сезилади. Бир қанча саҳналар ғирашира, қоронғуликда ўтади. Томошабин қаҳрамонларнинг ҳаракати, ҳис-туйғулари, қалб нидоларини тўлалигича "ўқиб" улгурмайди. Чунки театр санъатида ҳар бир воситанинг ўз ўрни ва жойи бор.

"Одам бўлиш қийин" спектаклини кўриб қайтар эканмиз, Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри жамоаси ижтимоий мавзуга қўл уриб, ёшлар, уларнинг турли соҳаларда олиб бораётган бунёдкорлик, яратувчилик ишлари ҳақида мулоҳаза юритишга ҳаракат қилганлиги бизни мамнун этди. Ўйлаймизки, асарнинг қайта-қайта қўйилиши натижасида дастлабки саҳналарда кўзга ташланган айрим эпизодик камчиликлар барҳам топиб боради.

**Аҳмаджон РАҲИМОВ,**
**санъатшунос**

# "КАФТДАГИ ЮРАК"

Доимий ҳамроҳ

Наврўз, Мустақиллик ҳамда муҳим саналарга бағишланган байрам тадбирлари махсус ёзилган сценарийлар асосида саҳналаштирилиши кўпчиликка маълум.

Носир Отабоев отмиш учтадан ортиқ ана шундай тадбирнинг сценарий муаллифи ва бош режиссёри бўлган. Ўн еттита тадбирда ҳаммуаллиф сифатида қатнашган. Бир қанча театрлашган томошаларга бош режиссёр бўлган. Наврўз ва Мустақиллик байрами, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Ватан ҳимоячилари куни, касб байрамлари, театрлаштирилган спорт томошалари ҳамда турли кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази томонидан нашрдан чиқарилган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби Носир Отабоевнинг "Кафтдаги юрак" тўпламига кўплаб байрам сценарийлари жамланган.



"Носир Отабоев билан бир неча йил ёнма-ён ижодий ҳамкорликда ишлаб, шу нарсага амин бўлдимки, Носир ака тиниб-тинчимас ижодкор. У майдонни, саҳнани чуқур ҳис этади. Тўпламни "Кафтдаги юрак" деб аталиши ҳам бежиз эмас. Ана шу ранг-баранг томошалар орқали Ўзбекистонимиз ўзининг барча зафарларини бутун дунёга кўз-кўз қилаётганлиги, яъни ўз қалбини фахру-ифтихор билан дунёга намоён этаётгани олижаноб ишдир" — деб таъкидлайди Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов китобга ёзган сўз бошида.

Тўплам юртимиздаги маданий-маърифий муассасалар, ижодий жамоалар, маданият, санъат соҳасида таҳсил олаётган талабалар, режиссёрлар ва шу соҳага қизиққан барча ижодкорларга мўлжалланган.

"Кафтдаги юрак" тўпламига Нуриддин Аминжонов ва Муҳайё Қудратова муҳаррирлик қилган.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади. тел: 233-57-47; 236-09-21 Сайт: www.pochta.uz




Бу жойлар унумдор тупроқли ерлардан иборат бўлиб, турли ўсимликлар, жумладан, лола ва лолақизғалдоқ, қўнғирбош ва оқ каврак, буғдойиқ ва чалов, шашир ва япроқ ўсади. Умуман олганда эса бу маскан ўсимлик дунёсининг бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Юксакликларда бўлгани каби тоғнинг бу қисмида ҳам булоқлар сероб, улар тоғ табиатининг узвий бир қисмини ташкил этади.

Йўлимизда учраган Қўтирбулоқ суви айтишларича айрим касалликларга, жумладан, қўтир касалига яхши даво экан. Биргина шу булоқнинг ўзиёқ бу ерда ўзига хос табиат олами юзага келмоғига сабаб бўлган. Кўзида қум ўйнаётган булоқдан бир тегирмонча сув чиқишига кишининг ҳеч ишонгиси келмайди. Чотқолликлар бу булоқни илоҳий деб билишади. Бироқ шаҳардан борган сайёҳлар бу ақидани у қадар идрок этишмайди. Улар булоқ атрофини булғаб, турли чиқиндиларни ташлаб кетишади. Уларда гўзалликни англаш кўникмаси етмаганидан теваракка бегона нигоҳ билан қарашади. Бу ҳол уларнинг хатти-ҳаракатлари ва ўзини тутишларида намоён бўлади.

Илгарилаганимиз сайин йўлда кўпкарига бораётган отлиқларни учрата бошлаймиз. Кўпкарининг ўзига хос сеҳри шу қадар қудратлики, унинг дарагини эшитган чавандозлар юзлаб чақирим йўлни ортда қолдириб бўлса-да, тезроқ чортоққа етиб боришга ҳаракат қилишади. Биз ҳам ўша томон ошиқмоқда эдик. Негаки, улоққа нисбатан бўлган қизиқиш ҳисси бизга ҳам бегона эмасди. Тоғ йўллари ҳамиша қалтис баланд-пастлик ва бурумлардан иборат. Бу йўллардан юрак бетлаб юрмоқ учун машина ҳайдовчиси ҳам жуда маҳоратли бўлмоғи лозим.

Биз Чотқолнинг кунчиқиш тарафида эдик. Навбатдаги юксакликка чиқишимиз билан қаршимизда гўзал ва сервиқор тоғлар манзараси юз очади. Яъни, тизманинг тоғ-дашт минтақаси бор маҳобати билан намоён бўлади. Бу гўзалликни соатлаб томоша қилсанг ҳам асло тўймайсан. Тизгинсиз шамоллар йўлидаги баландликнинг ўсимлик дунёси ниҳоятда бой. Ўт-ўланлар бўлиқ. Негаки, воҳа шимоли-ғарбдан эсадиган кучли шамол ва бўронлардан тоғлар билан иҳоталанган. Шамол кўзида кўкрак кериб турган баландликларнинг табиати эса янада ранг-баранг.

Энг баланд жойларда ноқулай иқлим шароити мавжудлигини ерга қапишиб ўсган печакгуллар ҳам айтиб турибди. Тоғликлар "қоратикан" деб атайдиган бу ўсимлик ҳар қандай шароитда ҳам бемалол ўса олиш хусусиятига эга. У ўзининг узун тиканлари билан япроқлари ва нимбўйли оппоқ гулларини ташқи муҳитдан авайлаб-асрайди. Бу тоғу тошларнинг кўм-кўклиги ва кўзни олар даражада яшнаб-ялтираб туриши ана шу табиий мослашув туфайлидир.

Кўпкари чопиладиган майдон яқинига, яъни Чотқол тоғи этагидаги кенг яйловга етиб келганимиздан сўнг, маълум бўлдики, бугунги

**Она сайёра — қўриқхона**

улоқни тоғлик чўпонлардан бири бераётган экан. Энг қизиқ жиҳати шунда эдики, улоқда қатнашиш иштиёқида чор-тарафдан келаётган чавандозларнинг аксарияти улоқ берувчини танимасди. У ким, касб-кори нима, бу ҳақда бирор маълумотга эга эмасди. Унда улар бугунги улоқнинг дарагини қаердан эшитиша қолди экан? "Бу хабарнинг қаноти бор", дея изоҳ беради улоқчилар. "Буни бир чавандоз эшитса бўлди, қолганлари эргашиб келаверади".

Удумга биноан чавандозлар атай таклиф этилмайди, улоққа уларнинг ўзлари келади ва кўпкари олдидан тўй эгаси томонидан эл қатори яхшилаб меҳмон қилинади. Бу халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадимий одатдир.

Кўпкари олдидан улоқ чопиладиган майдон четига йиғилган томошабинлар билан суҳбатлашамиз. Буни қарангки, улар ҳам худди чавандозлардек турли вилоятлардан ва ҳатто қўшни республикалардан ташриф буюришган экан. Уларнинг берган жавоби шу: "Улоқнинг дарагини эшитиб келавердик". Мухтасаргина изоҳ берадиган бўлсак, бу кишиларни на тўйхона эгаси берадиган туз-наъмак, на қайтишда босиб ўтилиши лозим бўлган юзлаб чақиримли йўл азоби қизиқтиради, уларни ҳали замон бошланиши керак бўлган улоқдан бошқаси мутлақо қизиқтирмайди. Кейин эса фалончининг оти зўр экан, пистонча чавандозга умид қилса бўлади, барибир ўзимизнинг қорабайир зўр-да, дея узоқ вақтгача эслашиб, гапиришиб юради.

Бу орада чавандозлар майдонга улоқ ташланишини кутиб, жам бўлишади. Кўпкарида бу лаҳза энг ҳаяжонли дақиқалардан биридир. Улоқ ташланиши билан майдон юзлаб отлар дупурига тўлади. Бундай пайтда улоқчиларгина эмас, ҳатто энг бесабр томошабинлар ҳам андак сукутга толиб, ҳаяжонли онларни бошларидан кечира бошлайди. Ниҳоят, кутиш лаҳзалари ортда қолиб, баковул томонидан майдонга улоқ ташланади. Улоқни майдонга ташлаган баковул бутун кўпкари давомида ўйинга ҳакамлик қилади. Бериладиган совринлар фақат унинг изми билангина эгасига топширилади. Улоқдаги ҳалоллик ва ғирромликни ёлғиз угина ажрим қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ унинг ҳакамлик иши ҳамиша оқсоқоллар кузатуви остида.

Кўпкари ҳамма жойда деярли бир хил кечади. Улоқни майдондан олиб чиқиш ғолиблик саналади. Лекин бу хил талатўпдан улоқни ажратиб олишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун яхши от, билак кучи ва улкан тажриба керак. Кучинг бўла туриб, отинг бундайроқ бўлса ёхуд отинг зўр бўла туриб, ўзингда чапдастлик етишмаса, яхшиси, бу майдонга тушмаган маъқул. Бу майдонда йигитнинг ғурури синалади.

Чотқол тоғи бағрида бўлаётган бу кўпкарининг ўзига хос томони шундаки, бу ўйинда улоқ тақимга эмас, тўғридан-тўғри эгар қошига олинмоқда. Демак, водийга хос услуб устуворлик қилмоқда. Республикамизнинг жанубий вилоятларида бу услуб ғирром саналиб, тақимга босиб олиб чиқилган улоққина ҳалол, дейилади. Аслида эса бу ерда ғирромлик эмас, услубий ранг-бaранглик мавжуд. Зил-замбил улоқни тақимга босиш қанчалик оғир бўлса, уни эгар қошига олиш ҳам янада машаққатлироқ.

Иккинчидан, бу кўпкарида марра чизиғи белгиланмади. Одатда, улоқда марра нуқтаси белгиланиб, тўдадан олиб чиқилган улоқ ўша маррага ташлангачгина ҳалол саналади. Кўпкари тарихида яна бир ҳолат кузатиладики, чавандоз томонидан олиб чиқилган улоқ майдонда маълум масофа югуриб, сўнг ташланса ҳам ҳалол саналади. Унинг нечоғли ҳалоллигини фақат баковулгина ҳал қилади. Улоқда ўртага ташланган соврин, одатда олдиндан эълон қилинади. Аммо чавандоз совринга нима олишини аввалдан билиб эмас, балки улоқ шавқига тамомила берилган ҳолда ҳаракат қилади. Соврин эса ғолибни рағбатлантиришга хизмат қилувчи шунчаки бир омил, янада аниқроғи, қадимдан қолган таомилдир. Улоқда кимгадир буюм, кимгадир жонлиқ тегади. Аммо бу нарса ўйин суръатини белгиламайди. Улоққа завқ ва жозиба бағишловчи нарса унинг бетизгин шавқидир.

Кўпкари соатлаб, баъзан кунлаб давом этиши мумкин. Улоқда отбозлар отини, чавандозлар эса ўзини синовдан ўтказади. Улар улоқдан улоққа ўз хато ва камчиликларини тузатиб, тажрибаларини ошира борадилар. Ҳар беллашувда янги-янги чавандозлар ҳамда улоқчи отлар кашф этила боради. Энг муҳими, ҳар бир кўпкари халқ хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Улоқ қандай бошланган бўлса, тўсатдан шундай тугайди. Лекин чавандозлар майдонни тарк этишга кўпда ошиқмайдилар. Худди майдонда ниманидир тушириб қолдиргандай, яна пича уймалашадилар. Айрим чавандозлар эса майдон четида тўп-тўп бўлишиб, бугунги улоқни муҳокама қилишга тушиб кетадилар. Шу баҳонада, биринчидан, от пича совутилади. Иккинчидан эса, кўпкари сабаб учрашиб қолган дўст-ёронларнинг бир-биридан кўнгил узиб кетишлари сал қийин кечади. Ахир, улардан бири Наманагандан, бири Фарғонаю Андижондан, иккинчи бирлари эса Тошкент ва Сирдарёдан, қайси бирлари Қирғизистон ва Қозоғистондан ташриф буюрган чавандозлар-да. Шунинг учун бундай давраларда гурунг тезда тугамайди...

Экспедициямиз адоқлаб, изимизга қайтишни режалаштирарканмиз, умри шу тоғу тошларда ўтган кекса онахоннинг гурунгида бўламиз. Тўқсон баҳорни қаршилаган бу онахон етмиш йил муқаддам тоғнинг у бетидан бу бетига келин бўлиб тушган экан. Буни қарангки, орадан шунча вақт ўтишига қарамай, онахон тоғнинг у бетидаги қайноқ булоқлару зумрад сойларни, яшил арчазорлару кенг ўтлоқларни ҳеч унутолмас экан. У ернинг табиати бошқача дейди, яккаш. Айни шу "бошқачалик" бизни ҳам қизиқтириб, янги экспедиция режаларини туза бошлаймиз.

**Нормурод НОРҚОБИЛОВ**

**Дунё — кенг...**

# ЗИЛЗИЛА

## Унинг кучини камайтириш мумкинми?

Яқинда Индонезияда рўй берган кучли зилзилалар сейсмик фожиаларни олдиндан аниқ айтишнинг мураккаблигига яна бир бор жаҳон олимлари эътиборини қаратди. Кейинги етмиш йил давомида МДҲ ҳудудида бўлиб ўтган зилзилалар икки юз мингга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлган. ЮНЕСКО ҳисоб-китобига кўра, ҳар йили зилзилалар туфайли кўрилаётган зарар миқдори миллиардлаб долларни ташкил этмоқда. Токио, Мехико, Нью-Йорк, Шанхай, Калкутта, Жакарта каби йирик мегаполислар эса ернинг тектоник ёриқлари устида жойлашган. Уларда 161 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Зилзилаларни олдиндан айтишнинг ягона усули эса, ҳанузга қадар яратилмаган. Россия Фанлар академиясининг бир гуруҳ тадқиқотчилари вайронгарчиликка сабаб бўлувчи зилзила кучини камайтириш юзасидан ўз таклифларини илгари сурмоқдалар. Техника фанлари номзоди В. Новиков геофизикада импулсли энергетика лабораториясига етакчилик қилади. Ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йиллари ракета техникасида қўлланилган муваққат шароитларда электр токи ҳосил қилиш қурилмаси шу мақсадга хизмат қилиши мумкин. Ушбу ракетамонанд двигател ичида босимни 40 атмосфера, ҳароратни эса тўрт минг даражага етказса бўлади. Унда плазма оқими секундига икки минг метрга қадар тезликка етказилиши мумкин. Унинг магнит қутблари билан ўзаро таъсири натижасида магнит тизимида электр токи ҳосил бўлади. Шундай ускуналардан бирининг қувватини бутун бир Днепр ГЭС қуввати билан тенглаштириш мумкин.

Академик Е. Велихов ўтган асрнинг етмишинчи йиллари бу қурилмадан ер ости қатламларини зондлашни таклиф этган. Яъни мазкур қурилма орқали ернинг энг чуқур қатламларига электр токи юбориш йўли билан уларнинг тузилиши ҳақида муайян маълумот олиш мумкин экан. Шу йўл билан нефт ва газ бойликларини ҳам топса бўларкан. Бироқ ҳозирча бундай қурилмалар саноқли, тадқиқотлар эса давом эттирилмасдан қолиб кетган. Ўз даврида мавжуд қурилмалардан Шарқий Сибир ва Каспийбўйи пасттекислиги конларини қидириб топишда фойдаланилган.

Ўшанда мазкур қурилмалардан зилзилаларни келтириб чиқарувчи кучларни аниқлаш ҳам таклиф этилганди. Бунинг сабаби шундаки, ер остида электр кучланишлари ҳаддан зиёд ошганда ер қаърининг электрга қаршилиги кескин тушиб кетади. Шўролар даврида бу борадаги эксперементал тадқиқотлар зилзила кўп юз берадиган Помир ва Шимолий Тиёншон тоғларида амалга ошириб кўрилган. Яъни импулсли генераторга уланган иккита электрод бир-биридан 4 километрли масофада ер қаърига 10 сония давомида бир неча минг амперли электр импулсларини юборади. Бу импулслар зилзила ўчоғи, деб тахмин қилинган жойларда ер тубига 15-20 километр чуқурликка қадар етиб боради. Қабул қилувчи станциялар ана шу импулсларга келган жавоб сигналларига қараб юз бериши мумкин бўлган зилзилалар ҳақида маълумот олиши кўзда тутилган эди. Тажрибалар якунлангач, қизиқ бир ҳолат қайд этилгани маълум бўлди. Яъни эксперементлар давом этаётган пайтда генератор жойлашган ҳудудлар атрофида нисбатан кучли деб ҳисобланган зилзилалар сони камайиб, уларнинг ўрнига кучсиз зилзилалар бўлиб ўтган.

"Илмий тил билан айтганда шундай тахмин қилиш мумкинки, —дейди В. Новиков, — импулсли генератор ер тубига юборадиган электр зарядлари ёрдамида ер қаърида сунъий деформация жараёни ҳосил қилинади. Бу энергиянинг қайта тақсимланишига олиб келади. Ер қаъридаги деформация жараёнларини сунъий усулда бошқариш кучли зилзилаларнинг олдини олиши мумкинлиги кейинги эксперементларимизда ҳам ўз тасдиғини топди".

Албатта, шу усулда ишловчи реал технологияларни яратиш учун вақт ва катта куч керак бўлади. Бироқ шуни эсда тутиш зарурки, зилзила хавфи катта бўлган ҳудудларда ернинг ўша ёриқ жойларида ўрнашган аҳолини вақтинча кўчириб, мазкур импулсли генератор ёрдамида "енгил зилзила" ҳосил қилиш юз йилга қадар зилзила хавфидан халос бўлиш имконини бериши тайин.

**"АиФ"нинг 45-сонидан.**


# ОБУНА — 2011

*Тошкент шаҳрида жойлашган қуйидаги матбуот дўконлари орқали ҳам "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига обуна бўлишингиз мумкин:*

### ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

227-матбуот дўкони — Алишер Навоий кўчаси, "Ўрда" автобус бекатида. 262-матбуот дўкони — Алишер Навоий кўчаси, Архитектура ва қурилиш институти ёнида. 231-матбуот дўкони — Алишер Навоий кўчаси, "Марказий телеграф" ёнида.

### ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

278-матбуот дўкони — Амир Темур кўчаси, Олой бозори ёнидаги автобус бекатида. 219-матбуот дўкони — "Бобур"боғи қаршисида. 273-матбуот дўкони — Усмон Носир кўчаси, 46-уй олдида.

### ЮНУСОБОД ТУМАНИ

237-матбуот дўкони — Амир Темур кўчаси, "Қозоғистон" кинотеатри ёнида. 264-матбуот дўкони — Амир Темур кўчаси чорраҳасида. 191-матбуот дўкони — Аҳмад Дониш кўчаси, Деҳқон бозори ёнида. 238-матбуот дўкони — Амир Темур кўчаси, "Универсам" бекати ёнида.





**Доимий ҳамроҳ**

# "КЎЗЛАРИНГНИ КЎРГАНИ КЕЛДИМ"

"Мен ҳаммасини, бор ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қилдим, афсуски, ҳеч нарса ёзолмадим." Ушбу иқрор асар муаллифи — Қўчқор Норқобилнинг "Ўн саккизга кирмаган мен бор" номли қиссасига "ўзидан олган" эпиграфи. Қиссани, шартли равишда, албатта, ёзувчининг чин иқрори, деб қабул қилиш мумкин. Асардаги воқеа-ҳодисалар, ўй-ҳаёллар, алам-изтироблар қаҳрамон тилидан очиқ-ошкора — монолог тарзда ифода этилади ва бу имконият бадиий талқинда шиддат ва таранглики таъмин этган.




Яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан уч минг нусхада чоп этилган "Кўзларингни кўргани келдим", деб номланган китобга Қўчқор Норқобилнинг "Ўн саккизга кирмаган мен бор" номли асари билан бирга "Осмон остидаги сир" қиссаси ва бир жуфт ҳикояси жамланган.

Кейинги қисса ва ҳикояларида ёзувчи қишлоқ кишилари ва шаҳарлик ёшларнинг турмуш тарзини, қувончу ташвишларини қаламга оларкан, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва одамгарчилик, севинчли кунларда ҳам, ғам-ташвишли дамларда ҳам елкама-елка бўлишдек олижаноб фазилатлар нақадар зарурлигини таъкидлайди. Фавқулодда хабардан бошланган кутилмаган ҳодисалар тасвири замирида асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини, феъл-атвори — сурати ва сийрати китобхон кўз ўнгида яққол гавдаланади. Муҳаббатдек соҳир туйғунинг Инсон умр мазмунини таъмин этиши, унга мислсиз куч-қудрат бағишлаши китобдаги асарларнинг ҳар бирига чуқур сингдириб юборилган.

Китобга Ҳ.Маҳмудова муҳаррирлик қилган. Уни мусаввир А.Баҳромов безаган.


Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2004 йил 12 майда "Ўзбеккино" Миллий агентлигига берилган реестрдаги тартиб рақами 000248-09, № 000248 гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

"OTABEK SERVIS PLYUS" хусусий корхонаси МЧЖга айлантирилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Есенин кўчаси, 34 а-уй.

* * *

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг (5 ноябр, 2010 й. Тошкент шаҳар. 10-1017/19141 (19) сонли иш ажримига асосан якка тартибдаги тадбиркор Тўлаганов Ботирга нисбатан банкротлик иши очилиб кузатув жараёни жорий қилингани сабабли 2010 йил 23 ноябр куни кредиторларнинг биринчи йиғилиши С.Раҳимов туман ДСИ биносида ўтказилади.

* * *

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 47-мактаб томонидан 2008 йили Абдиримов Фаррух Шуҳрат ўғлига берилган U №3454902 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Қибрай туман 6-умумтаълим мактаби томонидан 1989 йили Абдурахманова Махбуба Абдурахимовна номига берилган №162710 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур тумани ТРСУИ томонидан 2010 йил 30 июнда №004396-09-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "OBIDJON SHIRIN QANDOLAT" хусусий корхонаси (манзил: Жар Арик мавзеси, 6-уй, 133-хонадон, СТИР 301649607) таъсисчининг 17.11.2010 йилдаги тугатилиш тўғрисидаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: 336-26-66.

* * *

"RAVON TRANS" МЧЖ 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб қўшилиш орқали "AVTOBUSTRANS YAXSHI NIYAT" МЧЖга айлантирилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади. (Рег№ 1962-06 10.03.2009 йил).

* * *

"AVTOBUSTRANS SARMOYA" МЧЖ 2010 йилнинг 1 декабрдан бошлаб қўшилиш орқали "AVTOBUSTRANS YAXSHI NIYAT" МЧЖга айлантирилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади. (Рег№ 1702-06 26.06.2008 йил).

* * *

Утерянные документы фирмы "AMANTE TOUR" — круглая печать, удостоверение 005451-04, Узбектуризм лицензия 24306, Устав, Банковские бумаги и отчётные справки ГНИ, Агентское соглашение с ГАВС Узбекистон хаво йуллари считать недействительными.

* * *

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ТРСУИ томонидан 11.05.2009 йили №003283 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MEAT FOOD" хусусий корхонаси (манзил: С.Раҳимов тумани Бобожонова ва Нодира кўчалари кесишмаси (СТИР 301178884), ташкилий ҳуқуқий шакли "MEAT FOOD" МЧЖга ўзгартирилаётганини маълум қилади.


Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси вазир ўринбосари Баҳодир Аҳмедовга падари бузруквори

**МАЖИТ ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Файзи Шоҳисмоилга синглиси ва куёви

**Хоним** ва **Юсуф МАМАТОВ**ларнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Муштум" таҳририяти журналнинг собиқ масъул котиби Олимжон Ҳакимовга турмуш ўртоғи

**ЗИРОАТХОН ҳожи она**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.38

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4274. Буюртма Г — 1048. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН